БУЮК ПОЧИН АНЪАНАЛАРИГА САДОҚАТ

Ўзбекистон пойтахтида ленинча коммунистик шанбалик куни зарбдор меҳнат билан ўтмоқда

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№ 92 (5683)
20 АПРЕЛЬ 1985 й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

М. С. ГОРБАЧЕВ ГФР «Дойче банк» правлениесининг раиси билан суҳбатлашди

18 апрель куни КПСС секретари М. С. Горбачев Марказий Комитети Бош ГФР савдо-саноат доиралари-нинг таниқли намояндаси, «Дойче банк» правлениесининг раиси В. Кристиансни Кремлда қабул қилди. Амалий ва ижобий руҳда ўтган суҳбат чоғида СССР билан ГФР ўртасидаги икки томонлама муносабатларга, аввало иқтисодий соҳадаги муносабатларга оид баъзи масалалар тилга олинди. Суҳбатда СССР Давлат банки правлениесининг раиси В. С. Алхимов, «Дойче банк» директори А. Лебан ва ГФРнинг СССРдаги муваққат ишлар вакили А. Арно иштирок этдилар.

(ТАСС).

ЛЕНИН ИШИГА САДОҚАТ

Номи дунёни революцион тарзда ўзгартириш рамзи бўлиб қолган Владимир Ильич Ленинга совет кишилари, бутун тараққийпарвар инсониятнинг меҳр-муҳаббати ва ҳурмати чексиздир. Ленининг мангу барҳаёт таълимоти ижтимоий тараққиёт қонунларини чуқур тушунишга, Маркс ва Энгельснинг революцион фанини ҳар томонлама ривожлантиришга асосланади. Ленинизм — Коммунистик партия билан Совет давлати бутун фаолиятининг, Советлар мамлакати меҳнаткашлари барча муваффақиятларининг негизидир.

Коммунистик партия билан Совет давлатининг асосчиси туғилган кунга 115 йил тўлишига бағишлаб, 19 апрель куни Тошкентда тантанали йиғилиш ўтказилди. Ўзбекистон пойтахтининг ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, партия ветеранлари, партия, совет, жамоат ташкилотларининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, Совет Қуролли Кучларининг жангчилари В. И. Ленин номли ССР халқлари дўстлиги саройининг байрамона безатилган залига келдилар.

Тантанали йиғилишни Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари У. У. Ўмаров очди.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси ленинчи Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан йиғилишнинг фахрий президиумига сайланади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Ҳ. А. Шоғазатов доклад қилди. Докладчи совет халқининг шонли ишларида яққол мужассамлашган улуғ Ленин ғояларининг тантанаси ҳақида, жаҳон пролетариати йўлбошчисининг режаларини Совет Иттифоқида, социалистик лагерь мамлакатларида коммунизм қурувчилари турмушга татбиқ этаётганликлари ҳақида, бутун дунёда озодлик ва социал адолат учун, тинчлик учун кураш-аётган халқларнинг ғалабаларида ленинизм таълимотининг тўғрилиги исботланаётганлиги ҳақида гапирди.

Социалистик Ўзбекистон меҳнаткашларининг ютуқлари, унинг халқ хўжалиги барча тармоқлари ва маданияти ривожланиб бораётганлиги Ильич васиятлари рўёбга чиқарилаётганлигининг яққол тимсолидир. КПССнинг ленинча доно миллий сиёсати, Коммунистик партиянинг ўзгармас йўли, мамлакатимиз халқлари ва аввало, улуғ рус халқининг беғараз қардошларча ёрдами туфайли тенгларнинг тенги бўлган республикамиз коммунистик қурилишга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Ўзбекистон меҳнатчилари Ленин васиятларига, Коммунистик партия ишига муттасил содиқдирлар. Партия Марказий Комитети теварагига маҳкам жипслашган меҳнаткашлар КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга интилмоқдалар.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва аъзоликка кандидатлари И. Б. Усмонхўжаев, Р. Ҳ. Абдуллаева, Е. А. Айтмуротов, Ғ. Ҳ. Қодиров, Т. Н. Осетров, Н. И. Попов, О. У. Салимов, Т. А. Алимов, В. А. Головин, Н. М. Маҳмудова, В. А. Хайдуров қатнашдилар.

(ЎзТАГ).

ПОЙТАХТ РАЙОНЛАРИ—МЕҲНАТ БАЙРАМИДА

Бугун — Бутуниттифоқ ленинча коммунистик шанбалик куни. Бу меҳнат байрамининг ўзгача файз-таровати бор. Тошкентнинг минг-минглаб меҳнаткашлари, студент ва ўқувчилари Буюк Почин анъаналарига содиқ қолиб, меҳнат ва ўқишда аъло натижаларга эришмоқдалар. Шаҳарни ободонлаштириш, саранжом-саришта қилиш ишларида фаол иштирок этмоқдалар, улуғ Ленин туғилган кунининг 115 йиллигини зарбдорона меҳнат билан нишонламоқдалар.

Меҳнат байрамида республикамизнинг барча аҳолиси сингари тошкентликлар ҳам она-Ватанимизнинг қудратига қудрат қўшиш ниятиёқида зарбдорона меҳнат қилмоқдалар, совет кишиларининг фаровонлигини янада ошириш ҳақида доимий ғамхўрлик кўрсатаётган Коммунистик партия ишончини оқлаш ниятиёқида ишламоқдалар. Бу эса КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари март (1985 йил) Пленумида, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ М. С. Горбачев нутқида яна бир бор таъкидлаб ўтилди.

Бугун биз Тошкент районларида ленинча коммунистик шанбалик қандай ўтаётганлиги ҳақида ҳикоя қиламиз.

ЛЕНИН РАЙОНИ

Саҳардаёқ Октябрь революцияси номидаги тепловоз ремонти заводи — энг кекса корхонадан гудок овози эшитилди. Меҳнат ветеранлари, ёш ишчилар корхонага ошиқдилар.

Бу ерда тепловозлар учун 6 та электр двигатель, кичик электр машиналар ва тележкалар комплектлари, тепловоз секциясини ремонтдан чиқариш, 2 минга локомотив тормоз колодкаларини, 15 тонна пўлат ва бир неча тонна рангли эритмаларни қуйиш, 500 минг сўмлик халқ истеъмоли буюмлари ишлаб чиқаришга аҳд қилишган.

ҲАМЗА РАЙОНИ

Бугун эрта тонгда «Ташсельмаш» заводининг марказий дарвозаси олдида оркестр садолари янгради.

Коммунистик шанбаликда олти мингдан ортиқ ишчи, инженер-техник ходим ва хизматчи иштирок этди. «Ташсельмаш»чилар бугун 120 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариш ва беш йиллик фондига 17 минг сўм ўтказишга аҳд қилишган.

АКМАЛ ИКРОМОВ РАЙОНИ

Район ташкилотлари ва корхоналарининг 133 мингга яқин меҳнатчиси коммунистик шанбаликка чиқди. Бу ерда меҳнат байрамининг юксак маррала-ри белгилаб олинган эди.

Районнинг саноат корхоналари шу куни 232 минг сўмлик маҳсулот, шу жумладан 185 минг сўмлик кенг истеъмол буюмлари ишлаб чиқардилар.

КУЙБИШЕВ РАЙОНИ

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар эксперимент биологияси институтининг ходимлари «Қизил шанбалик» кунини Калинин районидаги Тошкент зонал лабораторияси далаларида ўтказдилар. Бу ерда пахтанинг янги истиқболли навлари экилди.

Куйбишев райони бўйича меҳнат байрамида 300 корхона, ташкилот ва ўқув юртининг 200 мингдан ортиқ ишчи ва хизматчиси қатнашди.

СОБИР РАҲИМОВ РАЙОНИ

Собир Раҳимов райони меҳнатчилари В. И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллигига бағишланган катта умумхалқ меҳнат байрами — Коммунистик шанбаликни зарбдорларча нишонладилар. 135 минг меҳнатчи эрта тонгданоқ 182 корхона ва ташкилот, муассаса, ўқув юртларидаги иш жойларини эгалладилар. 34 минг ишчи ва хизматчи корхоналардаги дастгоҳлари олдида меҳнат қилишди.

Район бўйича 1 миллион 190 минг сўмликдан ортиқ маҳсулот тайёрланди, 170 минг сўмлик қурилишмонтаж ишлари бажарилди.

ОКТЯБРЬ РАЙОНИ

Карнай-сурнай садолари катта воқеалар бошланишидан дарак беради.

Бу ҳашарда бугун 30 мингга яқин киши иштирок этяпти, 12 мингдан зиёд киши иш жойларида меҳнат қиляпти. Шанбаликни ўтказиш район штабидан маълум қилишларича, фақат шу бугуннинг ўзидаёқ 866,5 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган.

ФРУНЗЕ РАЙОНИ

Коммунистик шанбаликни ташкил қилиш ва ўтказиш бўйича шаҳар штабига кунниинг биринчи ярмида Фрунзе районидан келган рапорт сўзлари аниқ ва қисқа эди: «Район саноатида 31 минг ишчи, қурилишда — 8,2 минг, транспортда — 2000, ободонлаштиришда 83 мингдан ортиқ киши ишлади. Коммунист ва комсомоллар, уруш ва меҳнат ветеранлари меҳнат байрамида уюшқоқлик кўрсатдилар...»

Ҳозир корхоналар ва ташкилотларда меҳнат байрами эстафетасини иккинчи, кечки смена давом эттирмоқда.

ЧИЛОНЗОР РАЙОНИ

Чилонзор районининг 110 дан ортиқ корхона, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, ўқув юртларида меҳнат байрами гуллар, транспорантлар, қутловлар билан файзли бошланди. Коммунистик шанбаликда қатнашган 135 мингдан зиёд чилонзорлик ўзининг бурчи-ни ва вазифасини садоқатли бажарди. Ҳамма яхши ишлади. Натижада 379 минг сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. 504 минг сўмлик қурилишмонтаж ишлари бажарилди. Беш йиллик фондига 93 минг сўмлик пул ўтказилди.

КИРОВ РАЙОНИ

Киров райони ишчилари ва қурувчилари, инженерлари ва мактаб ўқувчилари турли касб эгаларидан иборат 114 минг кишн В. И. Ленин туғилган куннинг 115 йиллигига бағишланган коммунистик шанбалик — меҳнат байрамида қатнашдилар.

Район бўйича ҳамма-си бўлиб 820 минг сўмлик маҳсулот тайёрланди, беш йиллик фондига 50 минг сўм пул ўтказилди, 200 минг сўмлик қурилишмонтаж ишлари бажарилди.

СЕРГЕЛИ РАЙОНИ

Район саноат корхоналари, қурилиш ташкилотлари, ўқув юртлари ва бошқа ташкилотларда эрталаб митинглар бўлиб ўтди.

Умуман район бўйича шанбаликда 59 мингдан зиёд киши иштирок этяпти. Шу жумладан 19 мингдан зиёд киши иш жойларида ишлайди. Улар 770 минг сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарадилар. Барча маблағ беш йиллик фондига ўтказилади. 350 минг сўмлик кенг истеъмол моллари ишлаб чиқарилади.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

19 апрель куни Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг мажлиси бўлди. Мажлисда Ўзбекистон ССРни иқтисодий ва социал ривожлантириш Давлат планн билан республика Давлат бюджетининг 1985 йил 1 кварталидаги бажарилиш якунларн кўриб чиқилди.

Партия XXVI съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари ўртага қўйган вазифаларни амалга ошириш борасидаги катта ташкилотчилик ишлари, социалистик мусобақа кенг авж олдирилганлиги натижасида республика экономикасини янада ривожлантириш ва халқ фаровонлиги даражасини ошириш таъминланди. 1985 йилнинг январь— март ойларида саноат ишлаб чиқаришининг ўсиши ўтган йилнинг 1 кварталига нисбатан 3,4 процентни ташкил этди. Пландан ташқари 65 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди. Давлат капитал маблағлари ҳисобидан жами қиймати 553 миллион сўмлик асосий фондлар, 510 минг квадрат метр саҳнли уй-жой бинолари, қўплаб социал-маиший объектлар фойдаланишга топширилди. Ишлаб чиқариш рентабеллиги ошди. Республика министрликлари ва идоралари бўйича фойда олиш планлари 105 процент бажарилди.

Шу билан бирга мажлисда қайд этиб ўтилганидек, айниқса январь-февраль ойларида намоён бўлган уюшқоқсизлик, баъзи жойларда эса бегамлик ва масъулиятсизлик натижасида 1985 йилнинг I кварталида бир қанча министрликлар, идоралар, корхоналар ва ташкилотлар ишлаб чиқариш фаолиятининг ёмонлашувига йўл қўйилди. 65 корхона саноат маҳсулоти реализация қилиш, 267 корхона эса меҳнат унумдорлиги планини бажармади. Енгил саноат, Озиқ-овқат саноати, Гўшт-сут саноати, Маҳаллий саноат, Бинокорлик материаллари саноати, Қишлоқ қурилиши министрликларида, Тошкент ва Қашқадарё областларида қолоқ корхоналар, айниқса кўп. Хилма-хил маҳсулот турларини ишлаб чиқариш ва уларни шартномадаги мажбуриятларга мувофиқ етказиб бериш, капитал маблағлар, товар оборотн ва маиший хизмат кўрсатиш умумий ҳажми юзасидан планларнинг бажарилиши таъминланмади.

Буларнинг ҳаммаси саноатнинг бир қанча тармоқларида ва савдода молларнинг нормада белгиланганидан ортиқча қолдиғи анча кўпайишига, корхоналарнинг оборот маблағлари секинлашувига ва бошқа мақсадларга сарфланишига олиб келмоқда. Бир қанча областларда чорвачилик маҳсулотлари харид қилиш планлари бажарилиши таъминланмаган, чигит экиш, бошқа экинлар экиш агротехника муддатларига риоя этилмаяпти.

Министрликлар, идоралар, маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари асосий фондлардан, ишлаб чиқариш қувватларидан, ресурслар ва имкониятлардан халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш ҳамда уларнинг сифатини ошириш учун самарали фойдаланиш юзасидан тегишли чора-тадбирларни кўрмадилар. Давлат, план, меҳнат ва технология интизомини янада мустаҳкамлаш, исрофгарчилик, хўжасизлик, иш вақтининг бекор кетиши каби фактларга йўл қўймаслик соҳасидаги ишлар суст олиб борилди.

Министрлар Совети министрликлар, идораларнинг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, область ижроия комитетларининг, Тошкент шаҳар ижроия комитетининг раҳбарлари зиммасига ўз идораларига бўйсунувчи бирлашмалар, корхоналар ва ташкилотларнинг 1985 йил I кварталдаги иш якунларини чуқур таҳлил этиш мажбуриятини юклади. КПСС Марказий Комитети 1985 йил март Пленумининг қарорларга, 8 апрель куни КПСС Марказий Комитетида ўтказилган учрашувда берилган кўрсатмаларга амал қилиб, йўл қўйилган камчиликларни бартараф этиш тадбирлари амалга оширилсин, барча меҳнат коллективлари 1985 йилги ва умуман беш йиллик планини муваффақиятли бажариши, партия XXVII съездини муносиб кутиб олиши учун барча резерв ва имкониятлар сафарбар қилинсин.

План топшириқларини бажаришда йил бошидан буён йўл қўйилган қолоқликни тезроқ тугатиш, ишлаб чиқаришни ва меҳнат унумдорлигини ўстириш суръатларини янада ошириш зарурлигига алоҳида эътибор жалб қилинди. Маҳсулот етказиб бериш интизомига жуда қаттиқ риоя этиш, керакли хилдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни ва аҳолига кўрсатиладиган маиший хизмат ҳажмини ошириш, маҳсулот таннархини арзонлаштириш ҳамда унинг сифатини яхшилаш юзасидан қўшимча тадбирлар кўриш керак. Ишлаб чиқариш қувватлари ўз вақтида ишга туширилишини, планда кўзда тутилган халқ хўжалик юклари ташиб берилиши, қўкламги дала ишлари қисқа муддатларда ва юксак сифатли қилиб ўтказилишини таъминлаш зарур. Халқ хўжалигининг барча соҳаларида иқтисодий тежашни кучайтириш, нобудгарчилик ва унумсиз ҳаражатларни тугатиш, интизомни мустаҳкамлаш, масъулият ва уюшқоқликни кучайтириш биринчи даражали вазифалар бўлиб қолмоқда.

Министрлар Советининг мажлисида Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

Кадрлар билан ишлашни КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIX пленуми талаблари даражасига кўтарайлик

ТАЛАБЧАНЛИКНИ КУЧАЙТИРИБ, ТАШАББУСКОРЛИКНИ ОШИРАЙЛИК

Чилонзор район партия комитети пленумидан

Чилонзор район партия комитети пленумида «КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми қарорлари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш бўйича район партия ташкилотининг вазифалари ҳақида»ги масала амалий, ошкора ва принципиал жиҳатдан муҳокама қилинди. Пленумда район партия комитетининг иккинчи секретари В. А. Котов доклад қилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумидан буён ўтган давр мобайнида район партия ташкилотида социал-иқтисодий ҳаётга партиявий раҳбарликнинг услуб ва методларини такомиллаштириш, салбий ҳолатларни бартараф этиш, кадрларнинг масъулияти ва ташаббускорлигини ошириш бўйича анча иш қилинди. Фақат партия йиғилишларининг ўзида бир ярим мингдан кўпроқ КПСС аъзолари, шу жумладан коммунист - раҳбарларнинг ҳисобот ва ахборотлари муҳокама этилди.

Шу билан бирга докладчи ва музокарада сўзга чиққанлар таъкидлаб ўтишдики, қилинган бу ишлар ҳали Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари қарорларини амалга ошириш бўйича олдинда турган катта ишларнинг бошланишидир холос, бу борадаги ишларда ҳали тубдан ўзгариш бўлгани йўқ. Ҳали барча коллективлар ва партия ташкилотлари XVI пленум руҳига тўла кириб бормаганлар.

2-пойафзал фабрикаси ишида кўпгина жиддий нуқсонларга йўл қўйилмоқда. Фабрика бош инженери А. Иноғомов тайёрланаётган маҳсулотларнинг сифати пастлиги, юксак унумли меҳнат қилиш учун шароит яратмаганлиги учун ишдан олинди.

Қурилиш ташкилотларидаги ишлар ҳам қониқгилдагидек эмас. 153., 2-Пардозлаш, қурилиш трестлари, «Средазнефтегазстрой» бўлинмалари ўтган йили жиддий қолоқликка йўл қўйдилар. Бу ташкилотларда бу йил аҳвол янада ёмонлашди.

Пудрат ишлари планини мунтазам равишда бажармай келаётганлиги учун «Спецэлеваторме л ь с т р о й» трести бошқарувчиси Ф. Ниғмонов вазифасидан бўшатилди, аммо трест партия ташкилоти унинг фаолиятига принципиал баҳо бермади, коллективда ишнинг барбод бўлганлиги учун партиявий масъулиятга чақирмади,

«Средазспецстрой» трести бошқарувчиси А. Арутюнов эса давлат ҳисоб-китобларида кўзбўямачилик билан шуғулланди. Натижада фақатгина ўтган йилнинг ўзида бу ерда қўшиб ёзишлар ярим миллион сўмни ташкил этди. У ўзи учун трест ҳисобидан икки қаватли дача қуриб олди. Трест бошқарувчисининг ўринбосари Шилиң ҳам нокамтарлик йўлидан борди ва ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилди. Партия ташкилоти бу ҳаддидан ошган раҳбарларни ўз вақтида жиноятдан тўхтатиб қолмади, уларнинг ишларини кўриб чиқишда либераллик қилди. Натижада район партия комитетининг бу ишга муносабат билдиришга тўғри келди.

4-ремонт қурилиш бошқармаси бошлиғи Барсегян алдамчилик йўлига ўтиб партия ташкилоти қарорларига хилоф иш тутди.

Район халқ контроли комитети томонидан бу ерда 68 минг сўмлик қўшиб ёзишлар фош этилди. Барсегян жиноий жавобгарликка тортилди. Аммо партия ташкилоти ҳанузгача унинг партия аъзолиги масаласини кўриб чиқмади.

Докладчи ва сўзга чиққанлар таъкидлаб ўтишдики, вазиятни соғломлаштириш бўйича олиб борилаётган ишларга қарамай, кўпгина партия ташкилотлари коллективларда маънавий муҳит учун раҳбарларнинг шахсан жавобгарлигини ошириш ишларини сустлик билан олиб бормоқда, ҳар хил вазифасини суиистеъмод қилиш ва қонун бузишларига қарши курашни кучайтирмаяптилар.

Бу борада мисоллар ҳам келтириб ўтилди. Масалан, илмий ўқув маркази директори М. Михайлянц ва унинг ўринбосари Л. Мусаиловлар ҳам вазифасини суиистеъмол қилдилар.

Район партия комитетининг бюроси уларга учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берди.

(Давоми 2-бетда).

Ҳамза район партия комитети пленумидан

Халқ хўжалигини такомиллаштириш, уни жадал ривожланиш йўлига ўтказиш бўйича вазифаларнинг амалга оширилиши партиявий раҳбарлик услуби, партия ички ҳаётининг барча томонлари яхшиланишини, аввало кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялаш бўйича ишлар такомиллаштирилишини талаб этади. КПСС Марказий Комитети, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIX пленуми талаблари асосида кадрлар билан ишлашни янада такомиллаштириш бўйича район партия ташкилотининг вазифаларини муҳокама этган пленум қатнашчиларининг сўзларида шу фикр алоҳида жаранглади.

— Район партия ташкилоти Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленуми қарорларини бажара бориб, йўл қўйилган хатоларни чуқур анализ қилиб, салбий ҳолатларга қарши қатъият билан муросасиз кураш бошлади, олға ҳаракатимизга ҳалақит берувчи барча кўринишларни таг-томири билан йўқотиш вазифасини қўйди, — дея кўрсатиб ўтди ўз докладида Ўзбекистон Компартияси Ҳамза район комитетининг биринчи секретари Ф. Н. Нажмитдинов. — Район меҳнаткашлари ана шу масалаларни ҳал этишда коммунистларни фаол қўллаб-қувватлашяпти ва коммунистик қурилишда янги марраларни эгаллашга қатъиятларини конкрет ишлари билан намойиш этишяпти. Беш йилликнинг тўрт йили иш якунлари шундан далолат беради. Саноат ишлаб чиқариш ҳажми анча кўпайди, планга қўшимча 82,6 миллион сўмлик саноат маҳсулоти реализация қилинди. Бу илгари қабул қилинган социалистик мажбуриятлардан 15 миллион сўмлик ортиқдир. Фонд самарадорлиги, жиҳозлар алмашинуви коэффициенти ўсди.

Район партия комитети, бошланғич партия ташкилотлари қабул қилинган қарорларни бажара бориб, фаолиятнинг форма ва методларини такомиллаштира бориб, дея кўрсатиб ўтишди сўзга чиққанлар, раҳбарларнинг сиёсий ва ишчанлик сифатларини чуқурроқ ўрганадиган ва талабчанлик билан баҳолайдиган, уларга кўпроқ амалий ёрдам кўрсатадиган бўлиб қолишди. Уларни танлаш ва жой-жойига қўйишда демократик асослар ривожланмоқда. В. П. Чкалов номли авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи, «Подъёмник» ишлаб чиқариш бирлашмаси партия ташкилотларида кадрлар билан ишлашда муайян тажриба тўпланди.

Пленумда фақат эришилган ютуқлар тўғрисидагина гапирилмади. Докладчи ва сўзга чиққанлар таъкидлашдики, айрим бошланғич партия ташкилотлари, совет ва хўжалик раҳбарлари кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашнинг ленинча принципларига ҳамиша ҳам қатъият билан ва оғишмай риоя этишаётгани йўқ.

Ёғ-мой комбинати партия ташкилоти (Убайдуллаев) хизмат лавозимини суиистеъмол қилган коммунистлар фаолиятига принципиал баҳо бериш масаласида очиқдан-очиқ муросасозлик йўлини тутди.

Район партия, совет ва хўжалик органлари корхоналар ва муассасалар раҳбарлари орасида етарли сиёсий ва касб билимларига эга бўлмаган, масъулиятли ишга тайёрланмаган кишилар борлигига кўпинча тоқат қилаётганлиги фактини ҳам кўрсатиб ўтмаслик мумкин эмас.

Район партия комитети бюроси ярим йил мобайнида коммунистлар йиғилишини ўтказмаган 231-мактаб партия ташкилотининг секретари В. И. Стрельниковни, шахсий состав ўртасида партиявий-сиёсий иш олиб борилмаслигида айбдор бўлган район ички ишлар бўлими партия ташкилотининг секретари В. Петровни вазифасидан бўшатишга мажбур бўлди.

Пленумда таъкидландики, бошланғич партия ташкилотлари кадрлар билан ишлашни кучайтириш бўйича янги вазифаларни дадилроқ ҳал этишлари, нотўғри хатти-ҳаракатга йўл қўйган мансабдор шахсларни мартабасини юз-хотир қилмасдан тўғри йўлга солишлари, уларга жиддий принципиал баҳо беришлари керак.

(Давоми 2-бетда).

Кадрлар билан ишлашни КПСС Марказий Комитети ва Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XIX пленуми талаблари даражасига кўтарайлик

ТАЛАБЧАНЛИКНИ КУЧАЙТИРИБ, ТАШАББУСКОРЛИКНИ ОШИРАЙЛИК

Чилонзор район партия комитети пленумидан

(Давоми. Бошн 1-бетда).

Социалистик мулкни ўғирлагани учун «Ташгорпрокатразнобит» бирлашмасининг собиқ директори Н. Қурбонов жазоланди. Унинг ўрнига тайинланган янги раҳбар Қ. Ҳайдаров мазкур аҳволдан тегишли хулоса чиқариб олиши лозим эди, аммо бундай бўлмади. Ўтган йили бу ерда 610 минг сўмлик қўшиб ёзишга йўл қўйилди. Аммо бирлашма партия ташкилоти бу фактга принципиал баҳо бермади.

XVI пленумда область маиший хизмат кўрсатиш бошқармаси иши қаттиқ танқид қилинган эди. Унинг бошлиғи А. Саидов кадрлар танлаш ишини ўз ҳолига ташлаб қўйган. Унинг йўл қўйиб бериши оқибатида раҳбарлик лавозимларига илгари судланган ва ўз обрўсини тўккан кишилар тайинланган, бу эса турли хил кўзбўямачиликларнинг содир этилишига олиб келди. Район партия комитети бюроси Саидовга учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берди, у ўз вазифасидан четлаштирилди.

Пленум қатнашчилари кадрлар танлашда ҳали ҳам қариндош-уруғчиликка йўл қўйилаётганлиги ҳақида гапирдилар. Масалан, Тошкент чет тиллар институти инглиз тили факультетида К. Раҳмонбердиев кўп йиллар мобайнида декан бўлиб ишлаб келаяпти, бу ерда унинг хотини ва қизи ҳам ишлайди. Институт партия комитети бу масаладан гўё ўзини бехабардек тутиб, кутиб туришлик позициясини эгаллади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети XVI пленумидан кейин ўтган давр мобайнида район партия ташкилотларида 60 дан ортиқ номенклатурадаги ходимлар алмаштирилди. Улар орасида бешта йирик саноат корхонасининг, тўртта транспорт корхонасининг раҳбарлари, 8 та қурилиш бошқармаларининг бошлиқлари, 16 та фан, медицина, халқ маорифи, маданият муассасаларининг раҳбарлари бор.

Пленумда шундай фикр якдиллик билан илгари сурилди: интизомни мустаҳкамлаш ва кадрлар масъулиятини ошириш бўйича амалга оширилаётган ишлар суръатини сусайтирмаслик зарур. Коммунистларга уларнинг ишларидаги нуқсонлар ҳақида ўз вақтида ва рўй-рост гапириш, танқид ва ўз-ўзини танқидни кучайтириш лозим.

Пленум муҳокама этилган масалалар юзасидан қарор қабул қилди.

Пленум ишида шаҳар партия комитети бюросининг аъзоси, шаҳар халқ контроли комитетининг раиси Ф. Н. Назруллаев қатнашди ва сўзга чиқди.

Ҳамза район партия комитети пленумидан

(Давоми. Боши 1-бетда).

Кадрлар билан ишлашдаги нуқсонлар бошқа камчиликлар билан бир қаторда шунга олиб келадики, айрим корхоналар ва ташкилотлар ишлаб чиқариш ҳажмини, меҳнат унумдорлигини юксалтириш бўйича топшириқларни уддалай олишмайди, планларни асоссиз равишда камайтириш томонига тузатишлар қилишади, маҳсулот етказиб бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришмайди. Чунончи, синтетик ювиш воситалари заводи, 4-дон маҳсулотлари комбинатида ишлаб чиқариш ҳажмининг ўсиши пландан ташқари ходимларни сақлаш ҳисобига ҳал этиляпти. Буларда техникавий қайта жиҳозлаш билан бўш шуғулланиляпти, қўл меҳнатининг улуши юқори, ишлаб чиқаришни технологияси, меҳнатнинг ташкил этилиши паст даражада.

Капитал қурилишда вужудга келган аҳвол ҳам кишини ташвишлантиради. 2-уйсозлик комбинати, 3-қурилиш трести, «Промстрой» трести ўз имкониятларидан бўш ишлашяпти. Кўпгина объектларнинг қурилиш муддатлари нормативдагидан бир ярим-икки баробар ошиб кетяпти. Афсуски, бу ташкилотларнинг партиявий раҳбарлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми кўрсатмаларидан тегишлича хулосалар чиқариб олишмади.

Пленумда кўрсатиб ўтилдики, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумида қўйилган вазифалар самарали ҳал этилишини социалистик интизомни ёппасига мустаҳкамлаш борасидаги курашсиз, одамларнинг онги учун ҳеч қандай муросасозликка тоқат қилинмайдиган принципиал курашсиз тасаввур этиб бўлмайди. Бу ҳар бир раҳбарнинг, ҳар бир коммунистнинг биринчи даражали вазифасидир.

Пленум қатнашчилари кадрлар ишини назорат этишни кучайтириш, мутахассисларнинг ишончли резервини яратиш ва тўғри жой-жойига қўйиш, ўрта бўғин кадрлари билан ишлашни кучайтириш масалаларини зўр қизиқиш билан муҳокама қилдилар, кадрлар билан ишлашни такомиллаштиришда касаба союз, комсомол ташкилотлари, маҳаллий Советларнинг роли ҳақида гапирдилар.

Пленум кенгайтирилган қарор қабул қилди. Унинг қатнашчилари ишонч билдирдиларки, Ҳамза райони меҳнаткашлари, район партия ташкилоти нуқсонларни бартараф эта оладилар. Коммунистик партиянинг XXVII съездини муносиб кутиб оладилар.

Пленум ишида шаҳар партия комитети бюросининг аъзоси, В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси ишлаб чиқариш мастери С. И. Иванова қатнашди ва сўзга чиқди.

Фрунзе район партия комитети пленумидан

Фрунзе район партия комитетининг бўлиб ўтган пленуми ҚПСС XXVI съезди, КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумлари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI ва XIX пленумлари қарорлари асосида район партия ташкилотининг кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва тарбиялашни янада яхшилаш юзасидан вазифаларини ўз-ўзини танқид асосида, принципиал позициядан туриб муҳокама этди.

Докладчи — район партия комитетининг биринчи секретари С. А. Хўжаева таъкидладики, кадрларнинг барча соҳалардаги фаолиятига талабчанликни оширишни уларга ишонч ва ҳурмат билан қўшиб олиб бориш халқ хўжалиги вазифаларини муваффақиятли ҳал этишда ёрдам беради. Райондаги партия, касаба союз ва комсомол ташкилотлари раҳбарлари ва секретарларининг 90 проценти олий маълумотга эга.

Беш йиллик мобайнида халқ хўжалиги учун олти мингдан ортиқ мутахассис тайёрланди. Меҳнаткашларнинг меҳнат ютуқлари рағбатлантирилди. Бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятлари такомиллаштириляпти, ўрта звено кадрларини танлаш, уюшқоқлик ва интизомни таъминлаш масалаларини ҳал этишда коммунист-раҳбарларнинг масъулиятини ошириш борасида уларнинг роли кучайяпти. Бугунги кунда районда партия, совет, хўжалик, маданий қурилишнинг кўпгина соҳалари ишнинг кўзини биладиган, ташаббускор, ташкилотчилик қобилиятига, одамлар билан ишлаш тажрибасига эга бўлган кишилар билан мустаҳкамланди.

Ошхона ва бошқа мебеллар заводи партия ташкилоти беш йилликнинг сўнгги йилида план-топшириқларини бажаришга меҳнаткашларни сафарбар этиш борасида яхши натижаларга эришди. Бу ерда ўзаро талабчанлик, принципиаллик, кадрлардан қаттиқ туриб талаб қилиш вазияти яратилган. «Сергели» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, металл-конструкциялар ва махсус монтаж материаллари заводи, 141-автотранспорт корхонаси коллективларининг ишида раҳбарлар алмаштирилгандан кейин ижобий ўзгаришлар сезилди.

Бироқ, сўзга чиққанлар шуни таъкидлашдики, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин қилинган ишларни камситмаган ҳолда шуни тан олиш керакки, кўрилаётган чоралар барча партия ташкилотларига, район ҳаёти ва фаолиятининг барча жиҳатларига сингиб кетган, деб бўлмайди. Бир қатор партия ташкилотлари салбий кўринишларга қарши курашда принципиаллик қилмаяптилар, ўз ишларини сусткашлик билан қайта қурмоқдалар. Аввалгидек, КПСС Устави ва қонунларни бузаётган, партия этикаси ва ахлоқи нормаларидан четга чиқаётган, хизмат бурчини уддалай олмаган кишиларга нисбатан кўнгилчанлик қилинмоқда.

Масалан, қуёш тўсқич мосламалари заводининг собиқ директори А. Аветисов партия ташкилоти томонидан назорат йўқлигини сезиб, ишлаб чиқариш масалаларидан кўра ўзининг шахсий ҳузур-ҳаловати билан кўпроқ машғул бўлди, хизмат вазифасини суиистеъмол қилди. Район партия комитети унга учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берди. Худди шундай хатти-ҳаракати учун Тошкент бирлашган авиаотрядининг собиқ командири А. Рўзметов жазоланиб, эгаллаб турган вазифасидан бўшатилди, район партия комитетининг составидан чиқарилди. Афсуски, коллективда унинг хатти-ҳаракатига принципиал баҳо берилмаган эди.

Партия ташкилотлари томонидан назорат йўқлиги нималарга олиб келиши мумкинлигини «Узторгстрой» трести ва унинг бўлинмалари мисолида яққол кўриш мумкин. Бу ерда кадрларни танлашнинг ленинча принциплари кўпол суратда бузилган. Раҳбарлик лавозимларига бундан аввал ўз обрўсини тўккан ходимлар: 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг собиқ бошлиқлари Миненко ва Лошкин тайинланган. Улар бирон жойда ҳам ярим йилдан ортиқ турмаганлар, ҳамма жойда ишни расво қилишга улгурганлар. Молиявий интизомни бузганлиги учун бундан аввал судланган — механизациялаш бошқармасининг собиқ бош инженери Сажинни район партия комитетининг бюроси яқинда партия сафидан ўчиришга мажбур бўлди.

Мана, кадрлар сиёсатидаги нуқсонларнинг оқибатлари — трест бўлинмаларида меҳнат ва интизом энг паст савияда ташкил этилган, дастгоҳлар эса кўпинча бўш туриб қоляпти.

Пленум трест бошқарувчиси Е. Власов ва қурилиш бошқармалари бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари В. Зотов, Л. Кимлар шаънига жиддий эътироз билдирди.

Шу йилнинг ўтган уч ойи мобайнида икки раҳбар район партия комитети бюросида виговор олди. 18 раҳбар юқори хўжалик органлари ва район халқ контроли комитети томонидан жазоланди. Бироқ, улардан бирортаси ҳам бошланғич партия ташкилотида муҳокама этилмаган эди.

Пленум шуни таъкидладики, социалистик қонунчилик ва ахлоқ нормаларини бузишларга қатъий ғов қўйиш, ҳар қандай суиистеъмол учун кадрлардан қаттиқ туриб сўраш зарур. Коммунистлар ўртасида — хоҳ у оддий киши, хоҳ раҳбар бўлсин, биронта ҳам ана шундай қонун бузиш ҳоллари эътиборсиз қолдирилмаслиги керак.

Пленум қатнашчилари кадрлар резервини шакллантириш борасида бир қатор бошланғич партия ташкилотлари ишидаги расмиятчилик ва сийқаси чиққан услубни кескин танқид этдилар. Кўпинча резервдаги кишилардан номзод чегараланган доирадан танланади, «анкета усулида танлаш» ҳукм суриб келяпти. Бу эса амалий ишда синаб кўрилмаган тасодифий кишиларни ишга кўтаришга олиб келмоқда. Докладда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, кейинги тўрт йил ичида турли сабабларга кўра район партия комитети номенклатурасидаги саноат корхоналари раҳбарларининг 80 проценти алмаштирилган, қурилишда деярли ҳар бири, транспортда эса ҳар иккисидан бири алмаштирилган. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш йўл идорасида, «Вторчермет» областлараро бошқармасида, «Узторгстрой» трести бўлинмаларида кейинги икки йил ичида иккиучтадан раҳбар алмаштирилган. Раҳбарларни алмаштириш системага айланиб қолган жойларда сабабларни кадрлар билан ишлашдаги яроқсиз услуб ва методлардан қидириш керак.

Кадрларнинг амалий резерви йўқлигини шу фактдан ҳам билса бўладики, ўтган йили саноат, транспорт ва қурилиш корхоналарида алмаштирилган 17 раҳбардан бор-йўғи иккитаси резервдан ишга кўтарилган. Бу факт шундан далолат бериб турибдики, бошланғич партия ташкилотлари, район партия комитетининг бўлимлари резерв тайёрлаш бўйича пухта иш олиб бормаяпти. Бу ерда раҳбарлик ишининг муайян даражаси ва жиҳатини ҳисобга олган ҳолда олдиндан ходимлар тайёрланмаяпти.

Пленум қатнашчилари кадрлар сиёсатини такомиллаштириш юзасидан район партия ташкилотининг вазифаларини холисона, қизғин муҳокама қилдилар.

Ҳозир, яъни беш йиллик ва унинг якунловчи йили планларини муваффақиятли бажариш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга эришмоқда. Мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, бош кийимлар фабрикасида ўрта маълумотсиз ўқувчиларни мактабга жалб қилиш тугалланди. Ислоҳот талабларига келтиргани учун бир қатор раҳбарларни КПСС сафидан ўчирди ва эгаллаб турган лавозимларидан озод қилди. Булар орасида «Ташгенплан» директори Ўринбосари М. Мирзаев, тўқимачилик ва енгил саноат институти проректори А. Стулов, «Узглавхлопкопром» бошқармаси бошлиғи Р. Канцеров, «Узмонтажпроект»нинг бош мутахассиси А. Сигидин ва бошқалар бор.

Сўзга чиққанлар кўпгина нуқсонлар ҳақида гапириб, меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлашни яхшилаш зарурлигига эътиборни жалб этдилар. Бу борада район Совети ижроия комитети, унинг хизматлари, бўлим ва бошқармалари зарур даражада оперативлик кўрсатмаяпти, сансалорлик, қоғозбозликка йўл қўймоқда. Бу эса такрорий шикоятларнинг янада кўпайишига олиб келмоқда. Жойларда, хусусан «Таштекстильмаш»да заводи ва «Таштеплосеть»да меҳнаткашларни қабул қилиш лозим даражада амалга оширилмайди. Бунинг устига у ёки бу жойда ҳар хил мажлис ва йиғилишлар оз эмас.

Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи босқичида фрунзеликлар олдида коллективларни иқтисодий ва социал ривожлантириш бўйича муҳим ишларни амалга ошириш вазифаси турибди. Район меҳнаткашлари Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги, КПСС XXVII съезди, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Бу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши кўп жиҳатдан кадрлар билан партиявий иш олиб боришнинг даражаси, кадрларни ишга кўтариш, тайинлаш ва тарбиялаш практикасини такомиллаштириш, ижро учун партиявий назоратни кучайтириш билан боғлиқдир.

Пленум қабул қилган қарорида район партия комитетига, барча партия ташкилотларига ғоявий ишончли, юксак маънавий фазилатларга эга бўлган, малакали мутахассисларни кадрлар резерви яратиш, бу ишни меҳнаткашларнинг ва район аҳолисининг интернационал таркибини ҳисобга олган ҳолда системали олиб бориш учун зарур тадбирлар кўришни таклиф этди.

Сергели район партия комитети пленумидан

Ривожланган социализмни такомиллаштириш вазифаларини ҳал этиш сиёсий ва социал ҳаёт, хўжалик ва маданий қурилишнинг барча соҳаларида кадрларга алоҳида талаблар қўймоқда. Коммунистлар барча участкаларда гражданлик бурчини бажариш, жамият манфаатлари йўлида виждонан меҳнат қилиш, ҳамма жойда ленинча иш услубини қарор топтириш намунаси бўлишлари керак. КПСС Марказий Комитетининг навбатдан ташқари март (1985 йил) Пленумида ана шу ҳақда гапирилди. Сергели район партия комитети пленуми қатнашчиларининг диққат марказида ҳам айнан ана шу масалалар турди.

Докладчи — Сергели район партия комитетининг биринчи секретари Г. Л. Зарубин шуни таъкидлаб ўтдики, район партия комитети Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленуми қарорларини бажара бориб, тартибни мустаҳкамлаш, топширилган иш учун раҳбар кадрлар масъулиятини ошириш юзасидан қатъий чоралар кўрмоқда. Масалан, кейинги вақтда район партия комитети номенклатурасидаги— ўз обрўсини тўккан саккиз раҳбар эгаллаб турган вазифасидан бўшатилди, улардан айримлари КПСС сафидан ўчирилди. Ишчанлик ва ташкилотчилик қобилияти жиҳатидан шу кунгинг талабларига жавоб бермаган партия ва хўжалик кадрлари алмаштирилди. Бошланғич партия ташкилотларининг фаолиятлари такомиллаштириляпти, ўрта звено кадрларини танлаш, уюшқоқлик ва интизомни таъминлаш масалаларини ҳал этишда коммунист-раҳбарларнинг масъулиятини ошириш борасида уларнинг роли кучайяпти. Бугунги кунда районда партия, совет, хўжалик, маданий қурилишнинг кўпгина соҳаларини ишнинг кўзини биладиган, ташаббускор, ташкилотчилик қобилиятига, одамлар билан ишлаш тажрибасига эга бўлган кишилар билан мустаҳкамланди.

Ошхона ва бошқа мебеллар заводи партия ташкилоти беш йилликнинг сўнгги йилида план-топшириқларини бажаришга меҳнаткашларни сафарбар этиш борасида яхши натижаларга эришди. Бу ерда ўзаро талабчанлик, принципиаллик, кадрлардан қаттиқ туриб талаб қилиш вазияти яратилган. «Сергели» мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, металл-конструкциялар ва махсус монтаж материаллари заводи, 141-автотранспорт корхонаси коллективларининг ишида раҳбарлар алмаштирилгандан кейин ижобий ўзгаришлар сезилди.

Бироқ, сўзга чиққанлар шуни таъкидлашдики, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XVI пленумидан кейин қилинган ишларни камситмаган ҳолда шуни тан олиш керакки, кўрилаётган чоралар барча партия ташкилотларига, район ҳаёти ва фаолиятининг барча жиҳатларига сингиб кетган, деб бўлмайди. Бир қатор партия ташкилотлари салбий кўринишларга қарши курашда принципиаллик қилмаяптилар, ўз ишларини сусткашлик билан қайта қурмоқдалар. Аввалгидек, КПСС Устави ва қонунларни бузаётган, партия этикаси ва ахлоқи нормаларидан четга чиқаётган, хизмат бурчини уддалай олмаган кишиларга нисбатан кўнгилчанлик қилинмоқда.

Масалан, қуёш тўсқич мосламалари заводининг собиқ директори А. Аветисов партия ташкилоти томонидан назорат йўқлигини сезиб, ишлаб чиқариш масалаларидан кўра ўзининг шахсий ҳузур-ҳаловати билан кўпроқ машғул бўлди, хизмат вазифасини суиистеъмол қилди. Район партия комитети унга учёт карточкасига ёзиш шарти билан қаттиқ виговор берди. Худди шундай хатти-ҳаракати учун Тошкент бирлашган авиаотрядининг собиқ командири А. Рўзметов жазоланиб, эгаллаб турган вазифасидан бўшатилди, район партия комитетининг составидан чиқарилди. Афсуски, коллективда унинг хатти-ҳаракатига принципиал баҳо берилмаган эди.

Партия ташкилотлари томонидан назорат йўқлиги нималарга олиб келиши мумкинлигини «Узторгстрой» трести ва унинг бўлинмалари мисолида яққол кўриш мумкин. Бу ерда кадрларни танлашнинг ленинча принциплари кўпол суратда бузилган. Раҳбарлик лавозимларига бундан аввал ўз обрўсини тўккан ходимлар: 1-қурилиш-монтаж бошқармасининг собиқ бошлиқлари Миненко ва Лошкин тайинланган. Улар бирон жойда ҳам ярим йилдан ортиқ турмаганлар, ҳамма жойда ишни расво қилишга улгурганлар. Молиявий интизомни бузганлиги учун бундан аввал судланган — механизациялаш бошқармасининг собиқ бош инженери Сажинни район партия комитетининг бюроси яқинда партия сафидан ўчиришга мажбур бўлди.

Мана, кадрлар сиёсатидаги нуқсонларнинг оқибатлари — трест бўлинмаларида меҳнат ва интизом энг паст савияда ташкил этилган, дастгоҳлар эса кўпинча бўш туриб қоляпти.

Пленум трест бошқарувчиси Е. Власов ва қурилиш бошқармалари бошланғич партия ташкилотларининг секретарлари В. Зотов, Л. Кимлар шаънига жиддий эътироз билдирди.

Шу йилнинг ўтган уч ойи мобайнида икки раҳбар район партия комитети бюросида виговор олди. 18 раҳбар юқори хўжалик органлари ва район халқ контроли комитети томонидан жазоланди. Бироқ, улардан бирортаси ҳам бошланғич партия ташкилотида муҳокама этилмаган эди.

Пленум шуни таъкидладики, социалистик қонунчилик ва ахлоқ нормаларини бузишларга қатъий ғов қўйиш, ҳар қандай суиистеъмол учун кадрлардан қаттиқ туриб сўраш зарур. Коммунистлар ўртасида — хоҳ у оддий киши, хоҳ раҳбар бўлсин, биронта ҳам ана шундай қонун бузиш ҳоллари эътиборсиз қолдирилмаслиги керак.

Пленум қатнашчилари кадрлар резервини шакллантириш борасида бир қатор бошланғич партия ташкилотлари ишидаги расмиятчилик ва сийқаси чиққан услубни кескин танқид этдилар. Кўпинча резервдаги кишилардан номзод чегараланган доирадан танланади, «анкета усулида танлаш» ҳукм суриб келяпти. Бу эса амалий ишда синаб кўрилмаган тасодифий кишиларни ишга кўтаришга олиб келмоқда. Докладда шу нарса таъкидлаб ўтилдики, кейинги тўрт йил ичида турли сабабларга кўра район партия комитети номенклатурасидаги саноат корхоналари раҳбарларининг 80 проценти алмаштирилган, қурилишда деярли ҳар бири, транспортда эса ҳар иккисидан бири алмаштирилган. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш йўл идорасида, «Вторчермет» областлараро бошқармасида, «Узторгстрой» трести бўлинмаларида кейинги икки йил ичида иккиучтадан раҳбар алмаштирилган. Раҳбарларни алмаштириш системага айланиб қолган жойларда сабабларни кадрлар билан ишлашдаги яроқсиз услуб ва методлардан қидириш керак.

Кадрларнинг амалий резерви йўқлигини шу фактдан ҳам билса бўладики, ўтган йили саноат, транспорт ва қурилиш корхоналарида алмаштирилган 17 раҳбардан бор-йўғи иккитаси резервдан ишга кўтарилган. Бу факт шундан далолат бериб турибдики, бошланғич партия ташкилотлари, район партия комитетининг бўлимлари резерв тайёрлаш бўйича пухта иш олиб бормаяпти. Бу ерда раҳбарлик ишининг муайян даражаси ва жиҳатини ҳисобга олган ҳолда олдиндан ходимлар тайёрланмаяпти.

Пленум қатнашчилари кадрлар сиёсатини такомиллаштириш юзасидан район партия ташкилотининг вазифаларини холисона, қизғин муҳокама қилдилар.

Ҳозир, яъни беш йиллик ва унинг якунловчи йили планларини муваффақиятли бажариш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олишга эришмоқда. Мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, бош кийимлар фабрикасида ўрта маълумотсиз ўқувчиларни мактабга жалб қилиш тугалланди. Ислоҳот талабларига келтиргани учун бир қатор раҳбарларни КПСС сафидан ўчирди ва эгаллаб турган лавозимларидан озод қилди. Булар орасида «Ташгенплан» директори Ўринбосари М. Мирзаев, тўқимачилик ва енгил саноат институти проректори А. Стулов, «Узглавхлопкопром» бошқармаси бошлиғи Р. Канцеров, «Узмонтажпроект»нинг бош мутахассиси А. Сигидин ва бошқалар бор.

Сўзга чиққанлар кўпгина нуқсонлар ҳақида гапириб, меҳнаткашларнинг хатлари билан ишлашни яхшилаш зарурлигига эътиборни жалб этдилар. Бу борада район Совети ижроия комитети, унинг хизматлари, бўлим ва бошқармалари зарур даражада оперативлик кўрсатмаяпти, сансалорлик, қоғозбозликка йўл қўймоқда. Бу эса такрорий шикоятларнинг янада кўпайишига олиб келмоқда. Жойларда, хусусан «Таштекстильмаш»да заводи ва «Таштеплосеть»да меҳнаткашларни қабул қилиш лозим даражада амалга оширилмайди. Бунинг устига у ёки бу жойда ҳар хил мажлис ва йиғилишлар оз эмас.

Ўн биринчи беш йилликнинг якунловчи босқичида фрунзеликлар олдида коллективларни иқтисодий ва социал ривожлантириш бўйича муҳим ишларни амалга ошириш вазифаси турибди. Район меҳнаткашлари Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги, КПСС XXVII съезди, стахановчилик ҳаракатининг 50 йиллигини муносиб меҳнат совғалари билан нишонлашга тайёргарлик кўрмоқда. Бу вазифаларнинг муваффақиятли ҳал этилиши кўп жиҳатдан кадрлар билан партиявий иш олиб боришнинг даражаси, кадрларни ишга кўтариш, тайинлаш ва тарбиялаш практикасини такомиллаштириш, ижро учун партиявий назоратни кучайтириш билан боғлиқдир.

Пленум қабул қилган қарорида район партия комитетига, барча партия ташкилотларига ғоявий ишончли, юксак маънавий фазилатларга эга бўлган, малакали мутахассисларни кадрлар резерви яратиш, бу ишни меҳнаткашларнинг ва район аҳолисининг интернационал таркибини ҳисобга олган ҳолда системали олиб бориш учун зарур тадбирлар кўришни таклиф этди.

«Қизил шанбалик»дан тушган маблағ билан

БЕШ ЙИЛЛИК ФОНДИГА

«Бутун мамлакатда бўлгани сингари, Ўзбекистон пойтахтида ҳам ҳар йилн апрель ойининг учинчи шанбасида В. И. Ленин туғилган кун шарафига юксак меҳнат ва сиёсий кўтаринкилик вазиятида коммунистик шанбаликлар ўтказилади. Унда меҳнаткашлар яхши анъанага биноан ишлаб топилган пулни беш йиллик фондига ўтказишади.

Бу пуллар қандай мақсадларда ишлатилишини билишни истардик. Тошкентда коммунистик шанбаликдан тушган маблағ ҳисобидан қурилган иншоотлар борми! М. АЛИЕВА».

Бу саволни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети план комиссияси раисининг ўринбосари Л. М. БЕЛЬКОВСКАЯ шарҳлайди:

— Ҳар йили апрелнинг учинчи шанбасида бутун мамлакатда ва шу жумладан, Тошкентда В. И. Ленин туғилган кун шарафига ўтказиладиган шанбалик Ўзбекистон пойтахти меҳнаткашларини қизғин ишчилар синфининг шонли революцион ва меҳнат анъаналарига, Улуғ Ленин васиятларига садоқатининг ёрқин далилидир. Оммавий коммунистик шанбаликлар юксак интизом ва уюшқоқликнинг чинакам кўрки бўлиб қолди, у жойларда ишлаб чиқаришдаги резервларни аниқлаш ва улардан фойдаланишда ғоят қўл келмоқда. Бу чинакам меҳнат байрамига айланади. Унинг пировард натижаси, беш йиллик планларини муддатидан илгари бажариш бўйича социалистик мажбуриятларнинг бажарилишига қўшадиган ҳиссаси ғоят салмоқлидир.

Бугунги, 20 апрелдаги «Қизил шанбалик»ни ўтказиш бўйича район штабларидан олинган маълумотларга қараганда, фақат саноатнинг ўзида 194 мингдан знёд ишчи, транспортда 41,5 минг, қурилиш-монтаж ишларида 76 минг киши ўз иш жойларида меҳнат қилди.

Тошкентликлар шонли анъаналарга амал қилиб, бугун ҳақ олмай меҳнат қилмоқдалар. Бу — ишлаб топилган барча маблағ беш йиллик фондига ўтказилади, деган сўздир. Бу маблағлар меҳнаткашларга юз баравар бўлиб қайтади — улар билан социал мақсадлар учун шаҳарда кўпгина объектлар қурилади.

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг қарорига биноан шанбаликда ишлаб топилган ҳақ соғлиқни сақлаш, мактабгача болалар муассасалари қурилишига, оналик ва болаликни муҳофаза қилишни, уруш ва меҳнат ветеранларига медицина хизмати кўрсатишни яхшилашга ва бошқа шу каби хайрли ишларга сарфланади.

Республика ҳукумати ҳар йили Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетига коммунистик шанбалик ўтказиш натижасида топилган маблағдан анчагинасини ажратади. Бу маблағлар мактаблар, болалар боғчалари, шифохона ва поликлиникалар қурилишига ишлатилади. Ўн биринчи беш йилликнинг фақат тўрт йили мобайнида бу мақсадларга 5,4 миллион сўм ажратилди.

«Қизил шанбалик» фондидан олинган пуллар ҳисобига қандай объектлар қурилаяпти? Ленин районининг Парвона кўчасида 320 ўринли болалар боғчаси фойдаланишга топширилди. Собир Раҳимов районида ота-онасиз болалар учун 350 ўринли мактаб-интернат қурилди, Сергели районида туғруқхона қурилаяпти.

Айтилганларга шуни қўшимча қилиш мумкин: объектлар қурилишига (шанбалик маблағлари ҳисобидан) бу йил 2,7 миллион сўмлик капитал маблағ ажратиш кўзда тутилган. Бу шу йил 130 ўринли туғруқхона, (Сергели йўлдошшаҳарчаси), бир кунда 500 кишига хизмат қила оладиган поликлиника (Октябрь районида), СГ —3 микрорайонида (Киров районида) 1.176 ўринли мактабни фойдаланишга топшириш имконини беради.

Яна бир гап. Октябрь районидаги туғруқхона (200 ўринли) қурилишини давом эттириш учун 1985 йилда 585 минг сўм ажратилди. Бу объект келаси йили ишга туширилади.

Шуни таъкидлаб ўтиш керакки, ҳозир бу объектлар қурилиши суст бораяпти. Жумладан, Сергелидаги туғруқхона сингари муҳим объект қурилиши жуда чўзилиб кетди. У 1979 йилдан бери қурилаяпти. Қурувчилар (3-қурилиш трести) уни жуда секин қураяпти.

«Главташкентстрой»нинг 12-қурилиш трести Октябрь районининг Туркқўрғон кўчасидаги поликлиникани ўтган йили фойдаланишга топширилишини таъминламади.

Мен шуни таъкидлашни истардимки, булар алоҳида объектлардир. Буларни қисқа муддатларда фойдаланишга топшириш учун зарбдор объектлар деб эълон қилиш мақсадга мувофиқ бўларди. Чунки, бу иншоотлар шаҳар меҳнат коллективларининг ҳақ олмай қилган меҳнати эвазига йиғилган маблағ билан қуриляпти.

Мазкур объектларни фойдаланишга топширишни тезлаштириш учун нималар қилиняпти? Шаҳар ва район Советлари ижроия комитетлари сўнгги пайтларда бу объектлар қурилишини назорат қилишни кучайтирди. Бу йилга ажратилган капитал маблағларни тўла ўзлаштириш учун чоратадбирлар белгиланяпти. Қурилиш суръатини жадаллаштириш лозим. Бугун —20 апрелдаги коммунистик шанбаликдан беш йиллик фондига 960 минг сўм тушиши кутиляпти. Амалда бу маблағларнинг ҳаммаси яна Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети ихтиёрига берилиб, социал мақсадлардаги янги объектлар қурилишига сарфланади.



«Узбексельмаш» заводининг меҳнат ветерани Виктор Васильевич Рутто КПСС XXVII съездн ва Буюк Ғалабанинг 40 йиллиги шарафига бошланган соцмусобақада актив қатнашмоқда. Зарбдор ишчи айни кунларнинг қадрига етиб меҳнат қилган ҳолда 1987 йилнинг октябрь ойи ҳисобига маҳсулот бераётир. Меҳнат ветерани коллективнинг жамоат ишларида ҳам актив қатнашаётир. У мунтазам ўз касбини ёшларга ўргатиб бормоқда. Тажрибали ишчи цехдаги энг актив пропагандистлардан бирндир.

СУРАТДА: коммунистик меҳнат зарбдори В. В. Рутто.

М. Нурмуҳаммад фотоси.

• Мактаб ислоҳоти амалда

САМАРАЛИ ОТАЛИҚ ЁРДАМИ

Собир Раҳимов районидаги 45-кечки умумтаълим ўрта мактабда 842 ўқувчи ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда билим олмоқда. Бу мактабда КПСС Марказий Комитетининг умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилиш тўғрисидаги қарорни асосида иш олиб борилмоқда. Мактабда ўқувчиларга пухта билим бериш учун ҳамма шароитлар яратилган. Ўқитиш ишлари кабинет системасида ташкил этилган. Ўқув қуроллари, техника воситалари, кўргазмали қуроллар етарли.

Мактаб коллективи оталиқ ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиб яхши ютуқларга эришмоқда. Мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси, бош кийимлар фабрикасида ўрта маълумотсиз ўқувчиларни мактабга жалб қилиш тугалланди. Ислоҳот талабларига амал қилган ҳолда оталиқ корхоналар мактабининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга яқиндан ёрдам бермоқда. «Компрессор», «Геологоразведка» заводлари 6 минг сўм пул билан, «Мебель» бирлашмаси 2 минг сўмлик мебель билан ёрдам берди. Бу маблағ мактабнинг ўқув-тажриба базасини яхшилашга сарфланмоқда.

Ҳ. ТОЖИМАТОВ.

ШАНБА ОҚШОМИ

Баҳор қувончлари

ЭТЮД

Сен яна юртимга олам-олам қувонч ва севинч, кўркам файз ва турфа гўзалликлар олиб келдинг. Табиат шунчалар гўзалки, боқиб тўймайди киши. Атрофдаги қушларнинг сайроқи товуши, гуллаган ўрик новдасидаги болаларинг билан сийламоқчилар. Иссиқ тандир олдида лочира ва кўк сомса ёпмоқдалар. Ҳовлимиз ёнгинасидаги майдончада катта-кичик болалар турли ўйинлар ўйнашмоқда. Мен ҳам ўша болалик кунларимни эслардим. Кўм-кўк майса устида беш тош ўйнаганим, тол баргидан қирқ кокил таққаним кечагидек эсимда. Истагим осмонимиз доимо шундай мусаффо бўлсин! Ойижоним узоқ умр кўришларини, майдончадаги болаларга қуёшнинг заррин нурларн доимо нур сочиб туришини, ҳаёт шу тариқа ширин давом этишини истайман.

Д. ЙЎЛДОШҲОЖИЕВА, ишчи.

• САНЪАТ МУЗЕЙИДА

НАВОИЙ СИЙМОСИ

Узбекистон халқ рассоми, профессор Чингиз Аҳмаров мутафаккир шоир Алишер Навоий ҳақида кўплаб асарлар яратганинн санъат мухлислари жуда яхши билишади. Шулар орасида «Алишер Навоий шоирдлари даврасида» деб номланган йирик асари айниқса диққатга сазовордир. Рассом улуғ шоир яшаган давр, шарқ маданиятига муносиб ҳиссасини қўшган, кўплаб шоирдларга устозлик қилган Навоийнинг улуғ ишларини миниатюра санъати услубида акс эттирган.

Чингиз Аҳмаров биргина манзара орқали Алишер Навоийнинг тасвирий санъатни нақадар севишини, гўзал орзуларини ифода этган.

Шу кунларда рассомнинг «Алишер Навоий шоирдлари даврасида» асари музейда намойиш этилмоқда.

М. АҲМЕДОВ.

Эртага — Совет фани куни

Истиқболли кашфиёт

Ҳозирги пайтда мамлакатимизда илмий ечимларни тадбиқ этишни жадаллаштириш асосида халқ хўжалигини қайта қуроллантириш давр тақозоси бўлиб қолди. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси илмий-тадқиқот институтлари ва олий ўқув юртлари олимлари фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлай борнб, ўзларининг барча куч ва ғайратларини экономиканинг турли соҳаларида фан-техника янгиликларини кўплаб яратишида ечимларнинг самарадорлигини оширишга, уларни амалда тадбиқ этиш муддатларини қисқартиришга, иқтисодий омилларни яратишга сафарбар этмоқдалар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси олимларининг 1984 йилда халқ хўжалигининг турли соҳаларида тадбиқ этган 230 дан ортиқ ва аввалги йилларлардаги 336 илмий ечимлардан фойдаланган иқтисодий самараси 691 миллион сўмдан иборат. Олимларимиз пахтачилик, чорвачилик самарадорлигини ошириш, атроф-муҳит муҳофазаси ва инсон саломатлигини яхшилашга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Пахта ва заҳарли моддаси камайтирилган гербицидларнинг янги навлари, деҳончиликда суғориш системасининг истиқболли усулларини яратишда муносиб ҳисса қўшишмоқда. Бу олимлар суғориладиган ерлардан кўпроқ фойдаланиш имконини бермоқда, ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшиламоқда.

Ўзбекистон ССР Фанлар академияси электроника институтида СССР Давлат мукофоти лауреати, физика-математика фанлари кандидати Т. М. Усмонов раҳбарлик қилаётган лаборатория коллективи халқ хўжалигининг турли соҳаларида лазер нурларни кенг қўллаш проблемаси устида самарали иш олиб бормоқда. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўсимликлар эксперимент биологияси институтида ҳосилдор, тез пишарли, касалликлар ва зараркунандаларга чидамли, сертола ва технологик жиҳатдан афзаллиги билан ажралиб турадиган пахтанинг янги истиқболли навларини яратиш борасида изланишлар олиб борилмоқда.





СУРАТЛАРДА: Ўзбекистон ССР Фанлар академияси электроника институтида лабораторияси мудири Т. М. Усмонов; ўсимликлар эксперимент биологияси институти лабораторияси катта илмий ходими, биология фанлари кандидати С. М. Ризаева илмий тадқиқотларининг натижаларини текширишмоқда; Ўзбекистон ССР Фанлар академияси астрономия институти қўёш физикаси бўлимининг илмий ходимлари Ш. А. Эгамбердиев ва С. П. Илёсов қўёш телескопини кузатишга созламоқдалар.

В. Сироткин фотолари.



ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Кулги—бахт рамзи

Хушчақчақ одамнинг бугуни ҳам, эртаси ҳам қувноқ ўтади. Кулгидан бардамлик туғилади.

Л. Н. ТОЛСТОЙ.

●

Одам ҳазилни тушунмаса — умри зое кетди деяверинг! Агар пешонаси еттн қарич бўлганда ҳам барн бир у ақлли одам эмас.

А. П. ЧЕХОВ.

●

Табнатнинг энг бебаҳо эҳсони қувноқ, ҳазилкаш ва саховатли ақл.

В. О. КЛЮЧЕВСКИЙ.

●

Ҳазил— ҳордиқ бўлганн учун ҳам асабларни мулойимлаштиради.

АРАСТУ.

●

Хурсанд одамга бутун олам қувноқ кўринади.

●

Одамларнинг ҳақиқий характери кулганларидагина чинакам намоён бўлади.

И. ГЁТЕ.

●

Кулги— мисоли офтоб: у инсон юзидан қиш қаҳрини олиб ташлайди.

В. ГЮГО.

●

Одам бошқа мавжудотларнинг барндан кулиш фазилати туфайлигина фарқланади.

Ж. АДДИСОН.

●

Жамн тана ҳаракатларининг ичида энг соғломи кулгидир; у овқат ҳазм қилиш ва қон айланишини яхшилайди, барча аъзолардаги ҳаёт қувватнни оширади.

Х. ГУФЕЛЕНД.

●

Кайфиятнинг ҳамиша яхшилиги донолнкнинг бирничи белгисидир.

М. МОНТЕНЬ.

●

Кулги билан феъл-атворни тузатадилар.

О. БАЛЬЗАК.

●

Ҳақиқатни ёлғондан фарқлашда кулги кўпинча восита бўлади.

В. Г. БЕЛИНСКИЙ.

●

Кулгили нарса бизда ўз қадрини билиш туйғусини уйғотади.

Н. Г. ЧЕРНИШЕВСКИЙ.

●

Ҳазилни ҳам тузга ўхшаб меъёрида ишлатиш керак.

ПИФАГОР.

●

Ожиз ақлга ҳазил ўринсиз.

В. ШЕКСПИР.

●

Бўлар-бўлмасга қаттиқ қулавериш фаросатсизлик ва ёмон тарбия аломати.

Ф. ЧЕСТЕРФИЛД.

●

Бемаъни кулгидан ҳам бемаънироқ нарса йўқ.

КАТУЛЛ.

●

Яхши кулги руҳий соғломликнинг энг аниқ белгисидир.

●

Яхши кулги руҳни соғломлаштиради.

М. ГОРЬКИЙ.

●

Токи одамлар қувноқ эканлар, улар бардамдирлар.

Ж. ЛЕББОК.

Этнограф Б. АМИНОВ тўплаган.

РЕДИСКА САЛАТ

Баҳор фаслида ҳар бир кишн ўз организмни учун зарур бўлган витаминлар мавжуд таом ва салатлар истеъмол қилишни хоҳлайди. Янги чиққан редиска, пиёз, ошкўкнлар ва шифобахш ўсимликлар витаминларга бойдир.

Хўш, бундай салатлар қандай тайёрланади! Редиска бир хил майда бўлакларга бўлинади, пиёз ҳам майда тўғралиб, унга ош кўклар қўшнладн. Таъбга кўра майда туз, мурч, ёки қизил қалампирдан озроқ сепиб қорнладн. Тайёр масаллиқ чнройли лнкопчаларга солнниб, устига янги қаймоқ қўйиладн. Сўнгра редиска гул шаклида ўйиб ишланиб, салат устига тернладн. Бу ҳол унинг кўркамлигини оширибгина қолмай, кишида иштаҳа ҳам қўзғатадн.

О. КАРИМОВА.

НАСРИЙ МАСАЛЛАР

ТУЯ БИЛОН ИЛОН

— Вой-вуй, мунчаям эгри-бугри бўлмасанг, а! —дедн Илон Туянн кўриб.

— Узларидан сўрасак! —дедн Туя.

ҚАЛДИРҒОЧ БИЛАН МУСИЧА

— Қўшнн, нларимиз ёнма-ён, бир бўғотда-ю, лекнн снзнн кам кўраман-а! —деб сўраб қолдн бир кунн Мусича Қалдирғочдан.

— Эндн, болаларга унча-мунча емнш деган дек, далаларга учнб-нетнб кетамнзда, — дедн Қалдирғоч. — Хўш, ўзларн-чн!

— Биз шу ҳовлндан ҳеч ерга жнлмаймнз. Тўкилган дон-дуну, дастурхондан қоқилган сарқнтлар етнб ортади. Еганнмнз олдммнзда-ю, емаганнмнз ортнмнзда. Ишқнлиб, тнрнкчнлнк ўтнб турнбдн,— деб чайнала кетдн Мусича. Бошнн кўтарнб қараса Қалдирғоч. аллақачон меҳнат билан озиқ топганн учнб кетган экан.

«СЕЗГИР» ЖИРАФА

Ҳайвонот боғнда бир кунн нчак узнлдн аскня бўлнбдню, жонзорлар роса мириқнб кулишнбдн. Фақат бўйнн узун Жирафа нндамай аланглаб тураверибдн.

Ярнм кечаснга бориб қараса Жирафа бор овозн билан хохолаб юборибдн:

— Ҳа, нима гап, тнннчлнкмн! — деб сўрашнб. дн ҳайвонлар чўчнб уйғонишнб.

— Вой ҳалн жуда қизиқ гап бўлган экан-ку, а! — деб бошларнни силкнб-силкнб кулармш Жирафа. У бечора асканнннг мазмунига анча кейнн тушунган экан.

СОЧ ВА ТАРОҚ

Бошдагн Соч ўз ҳолнча юрмоққн бўлдню, тўзғнб, пахмайнб кетдн.

— Йўқ, бунақасн кетмайдн. Ахнр сен инсоннинг бошндасан-а,— деб ншга тушнб кетдн Тароқ. Сочлар унга бўйсунишдн.

Мухтор ХУДОЙҚУЛОВ.



АНАТОЛИЙ КАРПОВ ТРАКТОРСОЗЛАР МЕҲМОНИ

ФОТОАХБОРОТ

«СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг маданият саройида шахмат мухлисларининг уч марта жаҳон чемпиони Анатолий Карпов билан учрашуви бўлиб ўтди.

А. Карпов тракторсозларни қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб берди. Шунингдек, шахмат ўйинашни қандай бошлаганлиги, кейинчалик бу соҳада эришган муваффақиятларн ҳақида сўзлаб берди. Жаҳон чемпиони Урта Осиёдаги биринчи халқаро гроссмейстер Георгий Аъзамовнинг имкониятларига юқори баҳо берди. Жумладан, Г. Аъзамов жиддий тайёргарликка эга бўлган, ҳар жиҳатдан тўла шаклланган гроссмейстердир, деди у. А. Карпов Ўзбекистонда қадимий ўйин мухлисларн жуда кўп эканлигини таъкидлаб, республикада яқин келажакда янги гроссмейстерлар тайёрланади, деган умид билдирди.

Анатолий Карпов жаҳон биринчилиги учун ўтказиладиган навбатдаги матчга қандай тайёргарлик кўраётганлиги, рақиби, жаҳон чемпионлигига даъвогар Г. Каспаровнинг имкониятлари ҳақида сўзлаб берди. Шунингдек, ўзининг яқин келажакда амалга оширадиган режаларини ўртоқлашди. Яқинда у Испанияда ўтказиладиган йирик халқаро турнирда иштирок этади.

Сўнг Анатолий Карпов бир вақтнинг ўзида 22 тахтада учрашув ўтказди. Ун саккиз партия жаҳон чемпионининг ғалабаси билан тугади. Тўрт партияда дуранг натижа қайд этилди. Фахрли дуранг натижага эришганлар орасида 19-цех бошлиғининг кадрлар бўйича ўринбосари Ф. Нурмуҳамедов, завод план бўлимининг бошлиғи Л. Фридман, бош технолог бўлимининг инженерлари А. Пожитнова ва А. Бегельманлар бор.

СУРАТЛАРДА: уч марта жаҳон чемпиони Анатолий Карповнинг тошкентлик тракторсозлар билан ўтказган матчидан лавҳалар тасвирланган.

И. Шарипов фотолари.





• ФАРЗАНДЛАРИНГИЗ УЧУН

ЁМОН КЎРАМАН

Уқитувчи бир-бир юриб,
Кеча расм дарсида.
Қўққисдан тўхтаб қолдн
Валининг теппасида.

— Қандай расмни чиздинг,
Бир қувонтир-чи, кўзни!!
— Мана кўринг, марҳамат
Олачипор тарвузни...

— Уҳҳу, роса боплабсан
Бўёғи қуюқ, тўқ-қу...
Аммо унинг ичида
Сира уруғи йўқ-ку!
— Жўрттага чизганим йўқ,
Тарвузнинг уруғини. .
Чунки тишимга тегар,
Ёмон кўраман уни.

Биринчи синф гавжум
Утилмоқда «Алифбе».
Ҳарфлар ўрганилар,
Ҳар бир оғизда «А», «Б».
Шу пайт ўқитувчи
Билмоқчи бўлиб
эимдан:
— Алфавитни

ҲАММАСИ

билдингми!—
Деб сўради
Салимдан.
— Ҳа.
— «А» ҳарфдан кейин

Келар, айт-чи нимаси!
— «А»дан кейин келишар
Колган ҳарфлар
ҳаммаси.
Жўра РАҲИМ.

• Ажойиботлар оламида

Баланд тоғлардаги конлар

Тожикистон Фанлар академияси тарих институтининг мутахассислари Помирда X асрга тааллуқли қадимги кумуш конларини топдилар. 4 минг метрдан баландликда топилган бу кон тоғлик Бадахшоннинг ҳозирги Мурғоб ва Шугнон районларн территориясн бўйлаб юз километр чўзилган. Бундай баланд тоғликда кон камдан-кам бўлади.

Археологлар қадимги кончиларнинг дунёдаги энг баланд Шахристони — Бозордарада ҳумдон қолдиқларини, кончилик асбобини топдилар, кўпдан-кўп рўзғор ашёларини йиғдилар. Қуруқ ва совуқ иқлим туфайли улар яхши сақланган.

О. СОБОЛЕВ.

Байкалнинг қадимги балиқчилари

Одам бундан саккиз минг йилча аввал тош ва суяк қуроллар билан балиқ тутишни ўрганиб олганидан кейин Сибирдаги денгиз, кўл соҳилларида яшай бошлаган. Иркутсклик археологлар шуни аниқладилар. Улар Байкал соҳилида қадимги кишиларнинг уч юзтадан кўп масканларини ўрганиб чиқдилар.

Сарма дарёси этагига яқин жойда энг қизиқарли нарса топилди. Бу ерда топилган балиқчилик қармоқлари ва найзаларн орасида мамлакатнинг бошқа шарқий районларидаги қазишмалар чоғида чиққан қуроллар ҳам учрайди.

— Олимлар археология материали туфайли қадимги кишилар жойлашган марказларни аниқлаб чиқишга муваффақ бўлдилар. Бу масканлар осетр ва омул балиғи яшайдиган ва кўчадиган жойлар билан кўп жиҳатдан боғлиқ эканлиги аниқланди. —

Тарих фанлари кандидати В. Свинин шундай деди. — Ибтидоий балиқчилар Байкалда мавсумий равишда яшаганликларини ҳам билдик: қаттиқ об-ҳаво шароитлари уларнинг бу ерда йил бўйи яшашларига имкон бермаган.

В. ХОДИЙ.

• Бир шингил табассум

ЧЕТ ЭЛ ЮМОРИ

Бир Америка журнали ўз ўқувчиларига қуйидаги масаланн ечишни таклиф қилди: «Бир ҳаво шарида 3 машҳур пассажирни учиришди: йирик снёсий арбоб, дунёга танилган комедиянчи драматург ва атоқли олим. Ҳаво айниб, шар ерга тушиб урилиши мумкин бўлганда, юкни енгиллатиш учун пассажирлардан бирини қурбон қилишга, яъни шардан ташлаб юборишга тўғри келиб қолди. Лекин қайси бирини! Энг яхши жавобга 1000 доллар мукофот берилади».

Мукофот жавоб берган 10 ёшли қизчага берилди.

— Уччовларидан энг семизини ташлаб юбориш керак».

***

Суд раисн бир машина ўғрисини суд қилаяпти. Гувоҳ ўз кўрсатмаларини ўзгартирди:

— Бунн яхши одам деса бўлади.

— Судланувчи аввал снзга нима деганди!

— Менга у машина ўғирлаган деди.

— Сиз фикрингизни тўғри айтолмаяпсиз, у албатта III шахсда айтмаган.

— Йўқ, жаноб судья, фақат у ва мен бор эдик.

— Сиз тушунмаяпсиз, судланувчи: «Мен бу машинани ўғирладим», деган.

— Йўқ, жаноб судья, у снз ҳақингизда мутлақо гапирмади.

***

Ўқитувчи бир ўқувчининг онасига:

— Ўғлингиз дарсга яхши қулоқ солмайди, фақат ўртоғидан кўчиради, — деди.

— Нега энди!

— Хатолари бир хил.

— Нимага асосланиб айтяпсиз! Балки ўртоғи ундан кўчирар.

— Эшитинг. Алп тоғлари қаерда жойлашган деган саволга: ўртоғи: «Билмайман», деб ёзибди. Ўғлингиз: «Мен ҳам билмайман», деб ёзган.

***

Икки дўст учрашганда бири деди:

— Биласанми, ҳар сафар мен сенн учратганимда, дўстимиз Пьерни эслайман.

— Қизиқ, мен унга шунчалик ўхшайманми!

— Йўқ, ахнр у ҳам мендан 100 сўм қарзда!

***

Драматург ёзувчининг уйига дўсти телефон қилди:

— Биласизми, сизнинг пьесангиз қўйилаётган театр олдида жуда кўп одам йиғилган.

Омадни қаранг, бу муваффақият-ку!

Йўқ,... театрга ўт тушган экан.

Ж. ШОНАЗАРОВА таржимаси.

• *Дам олиш соатида*

ЧАЙНВОРД

Азиз оқшомхон! Мазкур чайнворддаги ҳар қайси сўз «О» ҳарфи билан бошланади ва худди шу ҳарф билан тугалланади.

1. Белгиланган маршрутлар бўйлаб қўнмасдан учиб ўтишда хотин-қиз орасида беш марта халқаро рекорд ўрнатган Совет ҳарбий учувчиси, Совет Иттифоқи Қаҳрамони. 2. Шимолий Америкадаги кўллардан бири. 3. Спорт мусобақаларида рақибларнинг эришган ютуқларини белгилаб берувчи ҳисоб. 4. Шимолий Испаниядаги шаҳар. 5. Республикамизнинг таниқли график рассомларидан бири, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби. 6. АҚШдаги дарё (Миссисипининг чап ирмоғи). 7. РСФСР Москва областидаги шаҳар. 8. Апеннин ва Болқон ярим ороллари ўртасидаги бўғознинг номи. 9. Нигериянинг ғарбий қисмидаги шаҳар (какао, пахта, тамаки етиштириладиган қишлоқ хўжалиги райониининг маркази). 10. Норвегия пойтахти. 11. Жанубий Америкаининг шимолий қисмидаги серсув дарё. 12. Поляк адибаси, ўзбек тилига таржима қилинган «Марта» романининг автори.

Тузувчи:
Ҳ. АБДУЛЛАЕВ.



30 МАРТДАГИ АНОГРАММА-КРОСВОРДНИНГ ЖАВОБЛАРИ:

ЭНИГА: 1. Докра — Ирода. 2. «Соҳил» — Ҳосил. 3. Хурмо — Хумор. 4. «Қамал» — Қалам. 5. Айрон—Район; Диоганалига: Китоб — Котиб.

***

Анограмма-кросвордга оқшомхонлардан А. Қўқонбоев, А. Аҳмедов, Ф. Исмоилов, М. Орифжонова, М. Холматова, М. Баҳромова, Б. Бўронов, М. Мовлонқулова, М. Ризаев, А. Икромов, Ф. Асламхонова, Н. Маҳмудова, А. Абдуваҳобов, З. Шоҳлёсова, З. Ботирова, М. Юсупова, А. Аҳмедова, Д. Набиева, Ф. Тошметова, С. Зокирова, Ш. Қаюмова, Д. Тожибоев, М. Мусаевлар тўғри жавоб йўллашган. Редакция хат йўллаган ана шу газетхонларга ташаккур изҳор қилади.

Редактор
Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ.

3 Тошкент бет ОҚШОМИ

20 АПРЕЛЬ. 1985 й.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 22. IV

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУН

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Футбол шарҳи.
10.10 Ҳужжатли фильмлар: «Кечки поездга битта билет», «Ленин Горкаси».
10.45 «Бу заминни севмай бўладими». Фильм-концерт.
11.10 Болалар учун фильм. «Кўчамиз командаси».
12.35 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Саксонинчи йиллар коммунистлари». Ҳужжатли фильмлар.
16.10 «Оталаримиз йўлларидан». Концерт.
16.45 «Раҳмат, солдат». Телефильм премьераси.
17.10 «Лениндан ўрганамиз».
17.40 «Ажойиб мусиқавий лаҳзалар ҳам». Камер куйлари кечаси.
18.10 «Биринчи Бастилия». Бадиий фильм.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Р. Шчедрин. «Ленин халқ қалбида». Оратория.
19.55 В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 115 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ ВА КОНЦЕРТ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида —«Время».
23.30 Футбол шарҳи.
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Ёлғиз ўзини ўйламай». Телефильм.
9.35, 10.35 Тарих. 8-синф. 70—80 йилларда ишчилар ҳаракати ва Россияда марксизмнинг тарқала бошланиши.
10.05 «Қизил китоб» нималар ҳақида ҳикоя қилди». 1-кўрсатув.
11.05 «Рус тили».
11.35, 12.40 «Ҳозирги давр ленинномаси». В. И. Ленинга бағишланган бадиий асарлар ҳақида. 10-синф.
12.05 «Фан ва турмуш».
13.10 Физика. 10-синф.
13.40 «Она улуғворлиги». Мария Александровна Ульянова ҳақида.
14.20 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви.
14.50 «Чашмалар».
15.20 «Драматургия ва театр». Ҳозирги замон саҳнасида Улуғ Ватан уруши мавзуи.
16.35 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Музикали киоск».
19.20 «Экранда — Сибирь». Киножурнал.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 МТ ва БР Катта симфоник оркестрининг концерти. Кўрсатув тугагач —«Время».
22.05 «Садоқат синови». Бадиий фильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Биринчи меҳмон». Бадиий фильм.
11.30 Табиатшунослик. Ўрта Осиёнинг табиати.
12.00 «Жаҳон халқлари бирлашиб». Телефильм.
12.30 География. Ўзбекистоннинг саноати.
13.00 Янгиликлар.

* * *

17.50 Янгиликлар.
18.00 Болалар учун. «Бойчечак».
18.30 «Барҳаёт сиймо». В. И. Ленин Марказий музейининг Тошкент филиалидан репортаж.
18.50 «Ленин партиясини шарафлаймиз». Ўзбекистон телевидениеси ва радиосининг хори ҳамда оркестри ижро этади.
19.25 «Ахборот» (рус., ўзб.).
19.55 Москва. В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ 115 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН ТАНТАНАЛИ ЙИҒИЛИШ ВА КОНЦЕРТ. Кремлнинг Съездлар саройидан олиб кўрсатилади.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Буюк образ», «Ҳамдўстликнинг қудратли кучи». Ҳужжатли фильмлар.
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.40 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Ўқитувчилар учун консультация. Кичик ёшдаги мактаб ўқувчиларини ўқитиш жараёнида эстетик тарбиялаш (рус.).
18.50 «Кржижановский». Ҳужжатли фильм.
19.00 «Чинор». Илмий-оммабоп программа (рус.).
19.30 «Правда Востока» газетаси соврини учун спринтерлик ва тўсиқлар оша югуриш бўйича республика мусобақалари. Репортаж (ёзиб олинган).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Ўртоқ Лениннинг сўзи». Ҳужжатли фильм.
20.30 Миртемир. «Ленин ва Ражаб бобо». Адабий композиция.
21.00 «Порлоқ диёрим менинг». Музикали фильм.
21.30 МТ II

СЕШАНБА, 23. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 Мультфильмлар: «Шодлик қўшиғи», «Баҳорги эртак».
10.30 «Биринчи Бастилия». Бадиий фильм.
11.35 «Лениндан ўрганамиз».
12.05 Концерт.
12.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Беш йиллик — ҳар биримизнинг ишимиз». Ҳужжатли фильмлар.
16.05 «Онамларнинг мактаби».
16.40 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади».
17.10 Қизил Байроқли Ўрта Осиё ҳарбий округи штабининг духовой оркестри чалади.
17.20 Мактаб ўқувчиларининг икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, армия генерали А. П. Белобородов билан учрашуви.
18.05 «Расмларда қуёш акси бор».
18.20 «Қўшиқ инсон билан қолади». «Дарё орти, олис қишлоқда».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар».
20.00 Воронеж Давлат рус халқ хорининг концерти.
20.30 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғалаба стратегияси». 11-фильм —«Европани озод қила бориб...» 1-қисм.
21.30 «Время».
22.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. ЧССР — Канада терма командалари. ЧССРдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.35)—«Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Трест бошқарувчисининг ҳаётидан». Телефильм.
9.35, 10.45 Табиатшунослик. 2-синф.
9.55 «Экологик фикрлаш пайти». Илмий-оммабоп фильм.
10.15, 13.40 Француз тили. 1-йил шуғулланаётганлар учун.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Уруш йиллари қўшиқлари.
11.35, 12.40 Физика. 8-синф.
12.05 «Шахмат мактаби».
13.10 Тарих. 8-синф. В. И. Ленин революцион фаолиятининг бошланиши.
14.10 Совет тасвирий санъатида В. И. Ленин образи.
14.40 Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига. «Тарих саҳифалари». «Пролетариат иттифоқчиси» (Ишчилар синфи ва деҳқонлар иттифоқи ҳақида).
15.25 А. Блок ҳақида монолог.
16.25 Объектив.
16.55 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.15 Ритмик гимнастика.
19.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ритм» операцияси». 1-кўрсатув.
21.15 М. В. Ломоносов номли МДУ халқ коллективининг фортепьяно класси қатнашчилари чалади.
21.30 «Время».
22.00 «Марҳабо». Эстрада кўрсатуви.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «О, муҳаббат». Телевизион бадиий фильм (рус.).
11.30 Математика. Учбурчаклар ясаш.
12.00 «Келдинг, кўрдинг... харид қилдингми?» Телефильм.
12.30 Адабиёт. СССР халқлари адабиётининг ўзаро таъсири ва алоқалари.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Атайлаб». Мультфильм.
18.25 «Инсон болаликдан бошланади».
19.00 «Бутуниттифоқ социалистик мусобақаси ғолиблари ҳузурида».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Жасорат куйчиси». Муса Жалил.
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати — Тошкент область Ҳамза номли музика мактаби скрипкачилар ансамблининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Ер — бизнинг бойлигимиз».
22.25 А. Абдуллин. «Ўн учинчи раис». Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик драма театрининг спектакли.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.40 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Жигулёвка бўйлаб саёҳат». Телефильм.
18.30 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Бурчга садоқат...»
19.00 «Ўз истеъдодингни топ». Телефильм.
19.20 Эстетика асослари. Ҳозирги замон буржуа реакцион эстетикаси ва санъати (рус.).
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Ўқитувчи экрани. Мактабда бошланғич ҳарбий таълимни ўтказишда ўқув-моддий базасининг роли (рус.).
20.50 «Нодир дарахтзорда». Телефильм.
21.00 «Энг яхши тажриба — хўжаликни юритиш практикасига» (рус.).
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 24. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм. 11-фильм —«Европани озод қила бориб...» 1-қисм.
10.50 «Садоқат синови». Бадиий фильм.
12.40 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Тажрибада синаб кўрилган». Ҳужжатли фильмлар.
16.00 Концерт.
16.30 «Уч, тўрт...» Телефильм.
16.40 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
17.10 «Қувноқ стартлар».
17.55 «Парвозлар куни». Ҳужжатли фильм премьераси. «СССР Куролли Кучлари» туркумидан.
18.15 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Бу йўлларни биз асло унутмаймиз». Поэзия. Н. Грибачёв.
18.40 «Дунё ва ёшлар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Хушёрлик — ҳаёт нормаси».
20.15 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР — Швеция терма командалари. 2- ва 3- даврлар. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.00 Футбол. Кубок эгаларининг кубоги учун. Ярим финал. «Динамо» (Москва)—«Рапид» (Вена). Танаффус пайтида (22.45)—«Агар соғлом бўлай десанг».
24.00 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 Илмий-оммабоп фильм.
9.35, 10.35 Астрономия. 10-синф. Галактикалар.
10.05 «Қизил китоб» нималар ҳақида ҳикоя қилди». 2-кўрсатув.
11.05, 13.40 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
11.35, 12.40 Тарих. 9-синф.
12.05 «Онамларнинг мактаби».
13.10 География. 5-синф.
14.10 Д. Д. Шостакович.
14.55 «Ҳунар-техника билим юртларида нимага ва қандай қилиб ўргатишади». Тўқимачилик ишлаб чиқариши учун кадрлар тайёрлаш ҳақида.
15.25 «Қалбга яқин қўшиқлар».
15.55 «И. Мележ тақдири ва китоблари».
16.40 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари.
19.15 В. Беллини. «Пуритане».
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Ритм» операцияси». 2-кўрсатув.
21.15 Халқ куйлари.
21.30 «Время».
22.00 «Бизнинг истеъдодимиз». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
23.20 Арманистон ССР халқ артисти, Арманистон Давлат мукофотининг лауреати Л. Закарян куйлайди.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 «Катта зал ҳақида хотира». Бадиий ўқиш.
11.30 Физика. Атом тузилиши.
12.00 «Рассвет»га йўл». Телефильм.
12.30 Рус адабиёти. А. Фадеев. Ҳаёти ва ижоди саҳифалари (рус.).
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Шоирлар — болаларга». Зафар Диёр.
18.45 Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Интернационал дўстлик клуби».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Халқ контроли экрани» (рус.).
20.15 «Экиш мавсуми кундалиги».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Дутор ва танбур тароналари». Музикали программа.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
22.15 Ўзбекистон халқ шоири Уйғуннинг ижодий кечаси.
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.45 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Хотира».
19.00 «Ота ўрмони». Телефильм.
19.15 «Барҳаёт қўнғироқлар». Адабий композиция.
19.45 «Боғ дурдоналари». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Амалда синаб кўрилган», «Ворислар». Телефильмлар.
21.00 «Ягона сиёсий кун: муаммолар, саволлар ва жавоблар» (рус.).
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 25. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 СССР Давлат академик рус хорининг концерти.
10.40 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
11.40 «Концертдан сўнг ярим соат». Фильм-концерт премьераси.
12.10 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ уфқлари». Телефильмлар.
16.10 «Танзания: тараққиёт йўлидан». Киноочерк.
16.45 «Моҳир қўллар».
17.15 Тарих саҳифалари. «Эльбадаги қасамёд».
17.45 «Қувноқ нотачалар».
18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.45 «Миллионлар ленинча университети». «Инсоннинг маънавий дунёси».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 Мультфильмлар: «Энг кичик гном», «Ҳамма гап шляпада».
19.55 «Фан ва турмуш».
20.25 «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 11-фильм —«Европани озод қила бориб...» 2-қисм.
21.30 «Время».
22.05 «Сиз бунга қодирсиз».
22.50 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Швеция — ЧССР терма командалари. 2- ва 3-даврлар. ЧССРдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.35)—«Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Сиз Бахни севасизми?» Ҳужжатли фильм.
9.35, 10.45 Табиатшунослик. 4-синф. Усимликларнинг хилма-хиллиги.
9.55 «Янги поликлиника ва турар-жой райони».
10.15, 13.40 Испан тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. В. В. Маяковский. «Владимир Ильич» поэмаси.
11.35, 12.40 Зоология. 7-синф.
12.00 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
12.30 «Яна бир бор Байкал ҳақида». Илмий-оммабоп фильм.
13.10 Физика. 7-синф. XI беш йилликда СССРни электрлаштириш.
14.10 «Менинг ёш дўстларимга». М. М. Пришвин асарлари саҳифаларидан.
14.55 «Милтиқли киши». Бадиий фильм, субтитр билан.
16.25 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 МТ ва БР симфоник ҳамда эстрада куйлари оркестрининг концерти.
19.45 Спорт гимнастикаси бўйича СССР чемпионати.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Е. Станкович. «Қирққулоқ гули». Халқ операсидан саҳналар.
21.15 Классик кураш бўйича Европа чемпионати. ГДРдан олиб кўрсатилади.
21.30 «Время».
22.05 «Бизнинг истеъдодимиз». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 2-серия.
23.20 РСФСР халқ артисти О. Воронец ҳамда М. Осипов номли Давлат рус халқ академик оркестрининг концерти.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.20 Рус тили. «1 Май байрами».
10.50 «Совет Иттифоқи шаҳарлари». Кинопрограмма.
12.00 «Биз қувноқ ва шодон яшаймиз» (рус.).
12.30 Зоология. Маймунлар.
13.00 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қўшиғим, жон қўшиғим».
19.00 «Инсон ва қонун».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Илҳом». Ижодкор ёшларнинг телевизион клуби.
20.20 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.
20.30 «Ахборот».
20.50 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Жангларда янграган қўшиқлар».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ягона сиёсий кун. Буюк Ғалаба».
22.35 «Эльбадаги учрашув». Бадиий фильм.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.30 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Рус тили — мактабгача ёшдаги болаларга. Мактабгача ёшдаги болаларни рус тилига ўргатишни кундалик ва умумий контрол қилиш.
18.50 Эстетика асослари. Ҳозирги замон буржуа реакцион эстетикаси ва санъати.
19.30 «Темиртов — менинг ёшлигим». Телефильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ўзбек жангчилари Улуғ Ватан уруши фронтларида». 3-кўрсатув.
21.00 «Ҳовлимиздаги стадион» (рус.).
21.30 МТ II

ЖУМА, 26. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм. 11-фильм — «Европани озод қила бориб...» 2-қисм.
10.55 П. ва А. Иванниковлар чаладилар (гитара).
11.25 «Эртак ҳузурида меҳмонда». «Қийшиқ ойналар қироллиги». Бадиий фильм.
13.05 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Табиатнинг бебаҳо инъоми». Телефильм премьераси.
15.40 «Рус тили».
16.10 Россияда 1905—1907 йиллардаги революциянинг 80 йиллигига. «Бўрон шиддат билан авж олаверсин».
16.40 «Москва. Фестиваль».
17.10 «Сизга манзур адабиётлар».
17.55 «Митя ва микробус». Мультфильм.
18.10 Ю. А. Жуков суҳбати.
18.40 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Канада — СССР терма командалари. 2 ва 3-даврлар. ЧССРдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (19.20)—«Дунё воқеалари».
20.15 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм премьераси. 12-фильм — «Ғалаба баҳори».
21.30 «Время».
22.15 Союзлар уйининг Колонна залида шоир Е. Долматовскийнинг авторлик кечаси. Танаффус пайтида (23.30) — «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Бир дуэт тарихи».
9.35, 10.35 Тарих. 4-синф. «Мен—Совет Иттифоқи гражданиман».
10.05, 14.05 Инглиз тили.
11.05 Ҳунар-техника билим юртларининг ўқувчиларига. Умумий биология. Биосфера ва инсон.
11.35, 12.40 Тарих. 7-синф.
12.05 Илмий-оммабоп фильмлар: «Калевала», «Флоричата».
13.10 Физика. 8-синф.
13.40 Зоология. 7-синф.
14.35 «Билимимиз — қудратимиз». Тележурнал.
15.20 Б. Васильев. Асарлари саҳифаларида.
16.10 «Давлат муҳофазасида». Илмий-оммабоп фильм.
16.40 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Будапешт. Москва майдони». Киноочерк.
19.05 Ритмик гимнастика.
19.35 Ўқитувчига — музика сабоғи. 5-синф. 2-кўрсатув.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Спартак» — «Динамо» (Тбилиси). 2-тайм.
21.30 «Время».
22.15 «Бизнинг истеъдодимиз». Уч серияли телевизион бадиий фильм премьераси. 3-серия.
23.20 Классик кураш бўйича СССР чемпионати. ГДРдан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 Афғонистоннинг миллий байрамига. «Адабий альманах».
19.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — АСК (Хабаровск). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот» (рус.).
20.50 «Ахборот».
21.10 «Ҳосилдорлик капсуласи». Ҳужжатли фильм («Ўзкинохроника»).
21.30 Москва. «Время».
22.15 «Дунё воқеалари».
22.45 «Оламга саёҳат». Кинокўрсатув.
23.50 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00 — 16.45 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Ўқитувчилар учун консультация. Илғор тажриба — ҳаммага.
18.50 «Захаров майдони». Ҳужжатли фильм.
19.00 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ёдимизда, қалбимизда ҳамиша» (рус.).
19.30 «Чегарачилар». Телефильм.
19.50 Реклама.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 «Ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлаш — умумхалқ иши» (рус.).
20.50 «Оила ҳақида мулоҳазалар». Телефильм.
21.10 «Қишлоқ ҳаёти» (рус.).
21.30 МТ II

ШАНБА, 27. IV

● МТ I

9.00 «Время».
9.50 «Ғалаба стратегияси». Кўп серияли телефильм. 12-фильм — «Ғалаба баҳори».
11.05 «Ҳаракат хавфсизлиги учун».
11.35 «Ўртоқ қўшиқ» Бутуниттифоқ телеконкурси.
12.30 «Ишчи кафолати». «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат» туркумидан телефильм премьераси.
12.55 «Эртага — Жаҳон биродарлашган шаҳарлар куни».
13.25 Биродарлашган шаҳарлар бадиий коллективларининг концерти.
14.00 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
14.30 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Юқори Миср тўйи» (МАР).
14.55 «Дунё воқеалари».
15.10 «Украин халқ рақслари гулдастаси». Концерт.
15.40 Сиёсий шарҳловчи Л. А. Вознесенский суҳбати.
16.10 Афғонистоннинг миллий байрамига. «Истиқболнинг машаққатли йўли». Телефильм.
17.05 «Ҳайвонот оламида».
18.05 «Леонид Леонов билан бир соат». Телефильм премьераси.
19.15 «Қулоқсиз мушукча». Мультфильм.
19.25 «Ҳамдўстлик» тележурнали.
19.55 «Кинопанорама».
21.30 «Время».
22.00 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. СССР — ЧССР терма командалари. ЧССРдан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида (23.25) — Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 Телефильмлар: «Орлик Ока билан учрашадиган жойда», «Биз Вильяндиданмиз».
10.15 Ф. Лист. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 2-концерт.
10.35 «Сиз яратган боғ».
11.05 «Тонгги почта».
11.35 «Ҳужжатли экран».
12.35 «Стадион ҳамма учун».
13.05 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Ғолиблар». Фронтдош дўстлар клуби. 3-гвардиячи армия.
14.20 «Мамлакатлар ва қитъалар бўйлаб».
15.05 «Космонавт билан парвоз». Бадиий фильм.
16.25 «Рақс сеҳргари». Фильм-концерт.
17.20 «Фотосуратдаги қизча». Илмий-оммабоп фильм премьераси.
17.35 Москва. Консерваториянинг Катта зали. И. С. Бах ва Р. Шчедрин асарларидан концерт.
19.35 «Спартак» жамияти ташкил топганлигининг 50 йиллигига бағишланган спорт байрами.
20.15 Халқаро обзор.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.00 Қисқа метражли телевизион бадиий фильмлар.
22.45 «Метроном». Музикали кўрсатув.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Денгиз орзуси». Ҳужжатли фильм.
10.45 «Шахмат мактаби».
11.15 «Оқшом учрашувлари». Фильм-концерт («Ўзбектелефильм»).
11.50 «Инсон ва табиат».
12.20 «Тенглар оиласида». Ҳужжатли фильм.
12.50 «Китоб — билимлар манбаи».

* * *

17.55 Кўрсатувлар программаси.
18.00 Мультфильм.
18.10 Мактаб ўқувчилари учун. «Санъат ғунчалари».
18.40 «Ота-оналар университети».
19.10 «Ноз-неъмат бунёдкори».
19.30 «Ахборот» (рус.)
19.45 «Олам дарди адиб қалбида». Кўрсатувни Ҳамза номидаги республика Давлат мукофотининг лауреати Эркин Воҳидов олиб боради.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Қизлар гулдастаси». Концерт.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Дўстлик экрани». Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон телевидениеларининг биргаликдаги программаси. Олмаотадан олиб кўрсатилади.
23.00 «Таниш чеҳра». Катталар учун мультфильм.
23.15 Кўрсатувлар программаси.

● **ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

ЯКШАНБА, 28. IV

ЖАҲОН БИРОДАРЛАШГАН ШАҲАРЛАР КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 МТ ва БР рус қўшиқлари академик хори ижросида О. Ковалёва қўшиқлари.
10.05 «Спортлото»нинг 17-тиражи.
10.25 «Будильник».
10.55 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
11.55 «Здоровье».
12.40 «Тонгги почта».
13.10 «Қишлоқ янгиликлари».
14.10 «Музикали киоск».
14.40 «Ёзувчи ва ҳаёт».
15.25 «Русские узори» халқ чолғу оркестри чалади.
15.55 Болалар учун фильм. «Шардаги қизча».
16.55 «Саёҳатчилар клуби».
17.55 СССР халқ артисти Л. Гурченко ижросида уруш йиллари қўшиқлари.
18.30 «Халқаро панорама».
19.15 «Фил учун совға». Мультфильм премьераси.
19.30 «Салют, фестиваль!» Ёшлар ва студентларнинг Москвада бўладиган XII жаҳон фестивалига бағишланади.
21.30 «Время».
22.05 «Олам кинокамера кўзгусида».
23.05 В. Моцарт. Фортепьяно ва оркестр ижроси учун 9-концерт.
23.50 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.15 «Қувноқ нотачалар».
9.30 Ритмик гимнастика.
10.00 «Рус тили».
10.30 «Ҳайкалтарош Рябичев олами».
11.00 Грузия ССР халқ артисти Л. Исакадзе концерти.
11.50 «Биродарлашганлар оиласида». Олмаота ва Браззавил биродарлашган шаҳарларининг дўстлиги ҳақида телефильм.
12.10 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
13.10 «Настя ҳақида, мушук Тимофей ва сеҳрли дон ҳақида эртак». Қўғирчоқ спектакль.
13.55 Буюк Ғалабанинг 40 йиллигига. «Улуғ Ватан уруши» киноэпопеяси. 20-фильм — «Номаълум солдат».
14.45 «Совет спорти». Киножурнал.
14.55 «Камалак» халқ ижодиёти телевизион программаларининг VI Халқаро фестивали. «Юқори Миср тўйи» (МАР).
15.15 Хоккей бўйича жаҳон чемпионати. Канада — Швеция терма командалари. 3-давр. ЧССРдан олиб кўрсатилади.
16.00 «Дунё ва ёшлар».
16.35 «Дирижёр ва оркестр».
17.30 Дўстона армиялар X қишки спартакиадаси мусобақаларига бағишланган кўрсатув.
18.00 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
18.30 Машҳур совет композиторлари — Ленин мукофотининг лауреатлари. В. П. Соловьев-Седой.
19.15 «Водийда». Телевизион бадиий фильм премьераси. «Полициянинг телефони 110» туркумидан (ГДР).
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар».
20.45 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
21.30 «Время».
22.05 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Торпедо» (Москва)—АСК.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Оқ йўл «Зангори қушча». Бадиий фильм.
11.45 «Оналар мактаби».
12.15 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
13.00 «Ўқув-тарбиявий жараённи такомиллаштириш». Умумтаълим ва ҳунар мактабини ислоҳ қилишнинг Асосий йўналишлари ҳақида.
13.30 «Ўзбекистон спорти».
14.00 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун».
14.35 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Ёш сеҳргарлар». Янгийўл шаҳар болалар цирк коллективининг чиқиши.
19.00 «Сиҳат-саломатлик». Илмий-оммабоп программа.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Назм ва наво». Навоий лирикаси (такрорий).
20.30 «Ахборот».
20.50 «Назм ва наво». Навоий лирикаси (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Семурғ». Бадиий фильм.
23.40 Кўрсатувлар программаси.

● **ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА
23 апрелдан бошлаб
ФАҚАТ 10 КУН
2 БЎЛИМДАН ИБОРАТ
КУЛГИ КЕЧАСИ
ПРОГРАММАДА масхарабозлик, реприз, интермедия, пародия, попурри, миниатюра, сатира ва юмор
ТОМОШАЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 19.30 ДА, ШАНБА КУНЛАРИ СОАТ 13, 16, ВА 19.00 ДА, ЯКШАНБА КУНЛАРИ СОАТ 12, 15 ВА 18.00 ДА БОШЛАНАДИ.
Олдиндан билет сотиш ташкил этилган.
КАССА СОАТ 10 ДАН 20.00 ГАЧА ИШЛАЙДИ.
Телефонлар: 44-35-91, 44-35-84.

ЦИРК

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 20/IV да **Аида**, 21/IV да **Гўзал Василиса** (12.00), **Иоланта** (19.30).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 20/IV да Зебуннисо, 21/IV да **Йўлчи юлдуз.**

ТЕАТР

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Тошкентда биринчи марта Р. АКОПЯН иштирокида «Цирк, цирк, цирк!» программаси** (19.00).

КИНО

20 АПРЕЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ТУТСИ»— **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83).
«АЗИЗ, ҚАДРДОН, СЕВИМЛИ ТАНҲОГИНАМ» — **Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-11-76).
«ҒАЛАБА»—**Санъат саройи** (катта зал, 17, 20.00; кичик зал 18.00; телефон 44-21-24), **Чайка** (17, 20.00; телефон 77-06-20), **Қозоғистон** (18, 20, 21.30; телефон 35-24-92), **Восток** (17, 20.30), **Нукус** (17, 20.00; телефон 46-47-74), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-11-59), **Ватан** (17, 20.00).

21 АПРЕЛДА
БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР:
«ТУТСИ»— **ВЛКСМ 30 йиллиги** (жуфт соатларда, телефон 33-41-83).
«АЗИЗ, ҚАДРДОН, СЕВИМЛИ ТАНҲОГИНАМ» —**Искра** (жуфт соатларда, телефон 39-11-76).
«ҒАЛАБА»—**Санъат саройи** (катта зал, 11, 14, 17, 20.00; кичик зал 12, 15, 18.00; телефон 44-21-24), **Чайка** (11, 14, 17, 20.00; телефон 77-06-20), **Қозоғистон** (11, 12, 14.30, 16, 18, 20, 21.30; телефон 35-24-92), **Восток** (11, 14, 17, 20.30), **Нукус** (11, 14 17, 20.00; телефон 46-47-74), **Дружба** (жуфт ва тоқ соатларда, телефон 66-11-59), **Ватан** (11, 14, 17, 20.00).

ЛЕНИНГРАД ТЎҚИМАЧИЛИК САНОАТИ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ
ТОШКЕНТ ФИЛИАЛИ
ип ишлаб чиқариш химиявий технологияси ихтисоси бўйича кичик илмий ходими
ВАКАНТ ВАЗИФАСИГА
КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛДИ
Конкурс муддати—9 майгача.
Ариза ва ҳужжатлар қуйидаги адресга юборилсин: 194044, Ленинград шаҳри, Карл Маркс проспекти, 42-уй, илмий секретарга ёки кадрлар бўлими мудирига. Телефонлар: 53-97-94 (Тошкент технология лабораторияси бошлиғи); 542-93-53, 542-93-79 (Ленинград шаҳри).


Тошкент қишлоқ хўжалик институти томонидан **Хўжақулов Ўктам** номига берилган 301339 номерли йўқолган
ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

САВДО ТАШКИЛОТЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ
ДИҚҚАТИГА!
«ТАШҚУЛЬТТОРГ»
ҳар бир донасининг баҳоси 50 тийин бўлган 130 донали ва ҳар бирининг баҳоси 45 тийиндан бўлган 65 донали оқ-қора тасвирли ФОТОПЛЁНКАНИ
ТАВСИЯ ЭТАДИ
Қуйидаги адресга мурожаат этилсин: 700105, Тошкент шаҳри, Манжара кўчаси, 38-уй. Телефонлар: 91-15-22, 91-18-79.
«ТАШҚУЛЬТТОРГ»
«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг Ўзбекистон реклама агентлиги (телефон 45-37-27).

Алишер Навоий номли **219-ўрта мактаб томонидан Сулаймонов Хайитбой** номига берилган 046325 номерли йўқолган
8-СИНФНИ ТУГАТГАНЛИГИ ТЎҒРИСИДАГИ ГУВОҲНОМА
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

84-билим юрти томонидан **Рихсиев Шуҳрат Позилович** номига берилган 312674 номерли йўқолган
ДИПЛОМ
БЕКОР ҚИЛИНАДИ

СССР Ички ишлар министрлигининг Тошкент олий мактаби коллективи С. Ғозиевга онаси **Маҳфуза АЗИЗОВАнинг** вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ («ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»).
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС:
700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.
Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р— 12208. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.